БҮТҮН ДҮНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 73 (1851) | 12 апрель, чоршанба, 1961 йил | Баҳоси 2 тийин

КПСС XXII съезди шарафига социалистик мусобақа байроғи баланд кўтарилсин!

КПСС Марказий Комитетининг байрамолди жанговар Чақириқларини барча совет кишилари қатори Тошкентдаги «Радиодеталь» заводининг коллективи ҳам катта қувонч билан кутиб олди. Суратда: завод агитатори ўртоқ Йўлдош Султонхўжаев ишчиларга 1 Май Чақириқларини ўқиб бермоқда.

А. Абалян фотоси.

ПАРТИЯ МАОРИФИ

Коммунистик партия марксизм-ленинизмнинг буюк ғоявий бойликларини пропаганда қилиш, кадрларимизни жамият тараққиёти қонунлари билан қуроллантириш ва кенг меҳнаткашлар оммасининг сиёсий онгини ошириш масалаларига ҳамиша катта эътибор бериб келмоқда.

Марксизм-ленинизм революцион назарияси коммунистик жамиятнинг муҳташам биносини қураётган миллион-миллион меҳнаткашларнинг йўлини ёритади, уларнинг қаҳрамонона меҳнатига онглилик ва фидокорлик туйғуларини киритади. Шундай экан, коммунистик қурилишнинг партиямиз белгилаб берган улуғвор вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш манфаатлари партия ташкилотларидан барча идеология ишлари савиясини юксак даражага кўтаришни талаб этади.

Областимиздаги кўлгина партия ташкилотлари идеология ишларини КПСС XXI съезди кўрсатмаларига амал қилиб ва партиямиз Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарори асосида олиб бориб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Бунда улар асосий эътиборни пропагандани ҳаёт билан, коммунистик қурилишнинг муайян амалий вазифалари билан маҳкам боғлаб олиб боришга, кадрларни марксизм-ленинизм асослари билан қуроллантиришга, меҳнаткашларни юксак онглилик руҳида тарбиялашга қаратмоқдалар. Бу, партия пропагандасининг ғоявий савиясини кўтаришга догматизм ва қироатхонликни йўқотишга, назариянинг ҳаёт билан, амалий фаолият билан яқинлашувига, партия маорифи шохобчаларидаги машғулотларнинг жанговар сафарбар этувчанлик ролини оширишга ёрдам бермоқда.

Партия маорифи системасида бу йилги ўқувнинг тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, машғулотларнинг ҳаёт билан, ҳар бир коллектив олдида турган конкрет вазифалар билан боғланишини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилаётган жойларда пропаганда ишининг ғоявий-назарий савияси ҳозирги юксак талаблар даражасига кўтарилмоқда.

Тошкентдаги лак-бўёқ заводи партия ташкилоти (секретари ўртоқ Иванова) коммунистлар ва партиясиз активларнинг назарий савиясини ошириш ҳамда уларни иқтисодий билимлар билан қуроллантиришни ўзининг биринчи даражали вазифаси деб билгани учун ҳам бу соҳада ижобий натижаларни қўлга киритмоқда. Бу ерда 11 та турли тўгарак ва семинарлар мунтазам ишлаб турибди. Уларга корхона ишчилари ва инженер-техник ходимларидан 211 киши жалб этилган. Тўгарак ва семинар қатнашчилари КПСС тарихини, сиёсий-иқтисодни ва ишлаб чиқариш конкрет экономикасини айниқса зўр иштиёқ билан ўрганмоқдалар. Ҳар бир машғулот уюшқоқлик ва қизғин баҳслар билан ўтяпти. Корхона партия ташкилоти назарияни мустақил ўрганувчилар билан ҳам системали равишда иш олиб боради.

Бироқ, ҳамма жойда ҳам партия маорифи шохобчаларидаги машғулотлар юксак савияда, ҳаёт билан маҳкам боғлаб ўтказилаётир, деб бўлмайди. Масалан, экскаватор ва «Ташсельмаш» заводларида ташкил этилган тўгарак ва семинарларда кўпинча расмиятчилик элементларига йўл қўйилаётир. Бу ҳар иккала корхонада ҳам йил бошида ихтиёрийлик принципига риоя қилинмаган, тингловчиларнинг савияси ҳисобга олинмагани ҳолда тўгараклар рўйхатига ёзиб қўйилган. Пропагандистлар составининг саралланмаганлиги машғулотларнинг паст савияда, қуруқ ва зерикарли, тингловчиларнинг актив иштирокисиз ўтишига сабаб бўлмоқда.

Областимизнинг Чиноз ва Пискент районларидаги бир қатор тўгарак, семинарларда ҳам машғулотлар паст савияда ўтказиляпти. Тингловчиларнинг кўпчилиги ўқув программаси ва конкрет экономикага доир дарсликлар ҳамда кўргазмали қуроллар билан таъминланмаган. Айрим пропагандистлар машғулотларга тайёрланмай келадилар ва уни ўтказишда юзакичиликка йўл қўядилар. Чунончи, Чиноз районидаги Киров номли колхозда ташкил этилган конкрет экономикани ўрганиш тўгарагининг пропагандисти ўртоқ Пак Е. А. КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорлари юзасидан ўтказилган машғулотларда фақат бир неча материалини газетадан ўқиб бериш билан чегараланган. Муҳим тарихий ҳужжатларни ўрганишда бундай юзаки муносабатда бўлиш фактларига мутлақо йўл қўймаслик керак.

Партия маорифи шохобчаларида машғулотларни юксак савияда ўтказиш кўп жиҳатдан пропагандист кадрларга боғлиқ. Шунинг учун ҳам партия ташкилотлари сиёсий мактаблар, тўгараклар, назарий семинарларнинг раҳбарлари билан ишлашни, уларни назарий ва методик жиҳатдан чиниқтиришни ўзларининг муҳим вазифалари деб билмоқлари керак. Пропагандистлар эса ўз навбатида машғулотларнинг ҳар доим ҳаёт билан боғланган ҳолда, юқори назарий савияда ўтишига эришмоқлари. Ўз устларида қунт билан ишлашлари, программа материалларининг тингловчилар томонидан чуқур ўзлаштирилишини таъминлашлари лозим.

Партия маорифи системасида ўқув йилини муваффақиятли якунлашга ҳозирдан бошлаб пухта тайёргарлик кўриш мақсадга мувофиқдир. Шунга эришмоқ керакки, машғулотларнинг бундан кейин ҳам мунтазам равишда юксак ғоявий-назарий савияда ўтиши таъминлансин. Ўқув программасининг тўла бажарилишига эришилсин. Бу соҳада сиёсий маориф ишлари ва кабинетларининг фаолияти янада активлаштирилсин.

Сиёсий мактаб, тўгарак ва семинарларда машғулотларнинг борғиси устидан контроллиқни кучайтириш ҳамда ўқув йилини юқори кўрсаткичлар билан якунлаш, энг яхши пропагандистларнинг тажрибасини оммалаштириш район ва шаҳар партия комитетларининг бевосита бурчидир.

Коммунистик партия ва бутун совет халқи КПСС XXII съездини кутиб олишга зўр ғайрат билан тайёрланмоқда. Жуда катта тарихий аҳамиятга эга бўладиган бу съезд коммунистик қурилишнинг янги улуғвор вазифаларини белгилаб беради. Бу улкан вазифалар партия ташкилотларидан барча идеология ишлари савиясини юксак даражага кўтаришни ва партия маорифи системасида ўқув йилини муваффақиятли якунлашга эришишни талаб этади.

Н. С. ХРУШЧЕВ У. Липпман билан суҳбатлашди

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев 10 апрелда Сочи шаҳри районида Американинг машҳур сиёсий шарҳчиси У. Липпманни унинг илтимосига мувофиқ суҳбатлашиш учун қабул қилди.

Суҳбат вақтида Н. С. Хрушчев У. Липпманни қизиқтирган саволларга жавоб берди. Суҳбатда СССР Ташқи ишлар министрлиги матбуот бўлимининг мудири М. Харламов ҳозир бўлди. (ТАСС).

КАСАБА СОЮЗ ХОДИМЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО УЧРАШУВИ

Тошкент тўқимачилари Маданият саройининг кенг биноси шу кунларда одатдан ташқари гавжум бўлиб қолди. Хоналарда дунёдаги турли тилларда ёзилган сўзлар кўзга ташланиб гуради, залларда ва фойеда Осиё, Африка, Латин Америкаси ва Европадаги кўп мамлакатлар халқларининг вакиллари қизғин суҳбатлашмоқдалар. Маданият саройи «Меҳнаткашларни илм ва маданиятдан баҳраманд қилиш» проблемаси юзасидан чақирилган халқаро семинарда иштирок этиш учун Тошкентга келган тўрт қитъа касаба союз ходимларининг учрашув жойи бўлиб қолди.

РСФСР педагогика фанлари академиясининг вице-президенти профессор А. Н. Леонтьевнинг «Инсон ва маданият» темасида қилган лекцияси юзасидан ўтказилган мунозара ўн биринчи апрелда тугади. Касаба союз ташкилотларининг вакиллари ўз нутқларида соҳта илмий назарияларни кескин суратда кораладилар. Буржуа идеологияси ана шу назариялар ёрдами билан социал тенгсизлик ва ирқий камситишни оқлашга уринмоқда кенг меҳнаткашлар оммасини юксак маданиятга эришириш мумкин эмаслигини исботлашга уринмоқда.

Семинар қатнашчилари тушдан кейин ВЦСПС секретари Л. Н. Соловьев билан учрашдилар. У, СССР касаба союз ташкилотларининг фаолияти тўғрисида батафсил гапириб берди. Суҳбатнинг якунловчи қисми совет касаба союзларининг гобора мустаҳкамланиб бораётган халқаро алоқаларига бағишланди. Л. Н. Соловьев ишонч билдириб айтдики, ҳамма касаба союзлар ўртасидаги муносабатларда халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашдан иборат юксак мақсадга жавоб берадиган ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик руҳи тантана қилади.

(ЎзТАГ).

МУВАФФАҚИЯТЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Тошкентдаги кабель заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари партия XXII съездини муносиб тортиқлар билан кутиб олиш учун бошланган умумхалқ ҳаракатида актив иштирок этиб, давлат планларини ой сайин ортиғи билан адо этмоқдалар. Иш жараёнларини тинмай механизациялаш, янги асбоб-ускуналарни жорий қилиш, илғор усулларни кенг қўлланиш натижасида шу йилнинг биринчи квартал топшириғи муддатидан анча илгари бажарилди. Қўшимча равишда юзларча минг сўмлик турли кабель маҳсулотлари тайёрланди ва истеъмолчиларга жўнатилди.

Кун сайин қизиб бораётган мусобақада кўпчилик цех коллективлари яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Оғир шлангли кабель, прокат, ширпотреб цехлари квартал планини ҳаммадан илгари бажарди. Носков, Мельзетдинов ўртоқлар бошчилигидаги коммунистик меҳнат сменалари, Холиқов, Правдюк ўртоқлар раҳбарлигидаги агрегатчилар ва бошқа ўнлаб бригадалар смена топшириқларини мунтазам 120-130 процент қилиб адо этишяпти ва доимо сифатли маҳсулот беришмоқда.

Биринчи квартални яхши натижалар билан якунлаган бу йирик корхона коллективи апрель ойининг ўтган кунларида ҳам баракали ишлади. Қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлашга астойдил беғоғлаган кабелчилар ҳар суткада пландан ташқари бир неча минг сўмлик маҳсулот тайёрлашяпти.

В. ДОЛОТИН,
«За электрофикацию» нўпти-ражли газетасининг ходими.

ҚЎЛИ ГУЛ УСТА

Колхоз қишлоғи йил сайин гуллаб-яшнамоқда. Кейинги икки-уч йил ичида жуда кўп кўркам биноларга қад кўтарди. Мана мен деб турган қатор чорвачилик бинолари, янги типдаги мактаблар, теплица, қишлоқ хўжалик машиналари парки, дам олиш уйи, ёруғ ва кенг кутубхона, турна қатор қўртхоналар, паррандачилик фермалари ва бошқа бинолар бунга яққол мисол бўла олади. Шу бинолар қурилишида қўли гул ишт терувчи Акрамхўжа Ортиқовнинг ҳиссаси, айниқса каттадир. Акрамхўжа ака 35 йилдан бери шу колхозда қурувчи бўлиб ишлаб келмоқда ва ўзининг пухта ва сифатли иши билан кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлди.

У фахрланса арзийдиган шогирдлар ҳам етиштирди. Яқиндагина 10-синфни тамомлаган, ҳозирда эса ном чиқарган ишт терувчилардан Исҳоқ Жўрабоев, Жўра Иноятов, Фатхулла Муҳаммадиев, Эркин Жўраев сингари ўнлаб ёшларни тарбиялаб, уларда бинокорлик касбига меҳр ва муҳаббат уйғотди. Шу кунларда ёшлар енг шимариб, жадал ишламоқдалар.

Колхоз аъзолари 35 йилдан бери бир касбда ишлаб, ўзининг бутун билими ва тажрибасини ободончилик ишига сарфлаётган донгдор ишт терувчи Акрамхўжа ака Ортиқов билан ҳақли равишда фахрланишади.

Т. РАСУЛЕВ,
Калинин район, Сталин номли колхоз.

КОМСОМОЛ-ЁШЛАР ОЛДИНДА

— Ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил етиштирамиз! Бу — Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинизм» колхози комсомол-ёшлар бригадаси аъзоларининг ўртага ташлаган шиоридир.

Шу кеча-кундузда бригаданинг пахта далаларида бўлган кишининг бахри-дили очилади. Кафтдек текисланган йирик карталарда қудратли универсаллар ҳайқириғи эшитилмоқда. Азамат экипаж аъзолари ғайрат қилишиб, квадрат-уялаб чигит экишни бошлаб юборганлар.

Бригадада сон кетидан қувиш йўқ. Аксинча, чигитнинг сифатли экилишига катта эътибор берилмоқда.

— Дала ишларининг сифатли бажарилишида, — дейди бригада бошлиғи ўртоқ Мурод Шералиев, — Аҳмад Мамажонов, Айтгул Темирқулова, Роқатали Аширбоев ва Номоз Сейитмуротов каби комсомол-ёшлар айниқса жонбозлик кўрсатиб ишлашяпти.

Чиндан ҳам шундай. Бригада аъзолари 110 гектар ерга юқори агротехника муддатларида чигитни сифатли экиб олиш учун курашмоқдалар.

Н. СИНДИБОЕВ.

ЭКИШ ҚИЗҒИН ТУС ОЛМОҚДА

Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхознинг азамат пахтакорлари бу йил 1200 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камида 28 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун курашмоқдалар. Колхозда чигит экишни муваффақиятли ўтказишга пухта тайёргарлик кўрилди. КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқлари колхозчиларни янги меҳнат ғалабаларига руҳлантирди. 23 та экиш агрегати сифатли ремонт қилинди. Экиш уюшқоқлик билан бошланди.

Колхознинг М. Қодирқулов бригадасига биркитилган тажрибали тракторчи ўртоқ Т. Расулов бошлиқ комплекс механизациялашган звено аъзолари 1 Май вахтасида туриб ишлаб, катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Звено кунига 5—6 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экаётир. Бригада тракторчилари яқин кунларда экишни аъло сифатли тугаллаш мажбуриятини олиб, ғайрат билан ишламоқдалар.

Охунбобоев номли колхознинг Ш. Қўқонов бошлиқ бригадаси аъзолари ҳам бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун астойдил меҳнат қилишяпти. Бригадада чигит экиш ўтган йилдагидан 10 кун илгари бошланди. Бригада 100 гектар ерга чигитни 8—9 иш кунида сифатли экиш учун ҳар бир қулай фурсатдан унумли фойдаланяпти.

Колхознинг бошқа бригадаларида ҳам чигит экиш қизғин тус олди. Тракторчилар аниқ квадратлар ҳосил қилиш учун механизмларнинг тўғри ишлашига эришмоқдалар.

П. ТОЖИЕВ,
М. МАМАТҚУЛОВ,
К. ҚУШОҚОВ.

ҚУРУВЧИЛАР СОВҒАСИ

Тошкентдаги 159-қурилиш трестига қарашли 7-бошқарма ишчилари Виставка кўчасида студентлар шаҳарчасини барпо этмоқдалар. Ҳозирги кунда бошқарма коллективи Тошкент Давлат университети студентлари учун ҳар бири 411 кишига мўлжалланган учта ётоқхона биносини қуриб тугаллаш арафасида турибди.

Қурилишда тажрибали бинокор Салим Қосимов бошчилигидаги комплекс бригада ҳаммага намуна бўлмоқда. Бригада аъзоларидан ишт терувчилар Жамол Ҳолбоев, Ўлмас Исҳоқов, дурадгорлардан Г. Савельев, А. Горсков ўртоқлар кунлик топшириқларини 120—125 процент қилиб адо этмоқдалар.

Жонажон партиямиз Марказий Комитетининг байрамолди Чақириқларидан руҳланган қурувчилар университет ётоқхонасининг уччала биносини ҳам 1 Май байрамигача пардозлашга топшириш ҳамда йил охиригача яна 2 та тўрт қаватли турар-жой биносини қуриб битказиш мажбуриятини олдилар.

С. МУРТОЗОЕВ.

Ашхобод темирйўлчилари Тошкент магистралида

Тошкент магистралига Ашхобод темир йўли бригадаси келди. Мусобақадош ўртоқлар йўлининг кўпгина станциялари, корхоналари ва бўлимларининг иши билан танишиб чиқдилар. Улар эксплуатацион ишдаги, тепловозларни ремонт қилишдаги илғор иш методларини ўрганиб, бу методларни ўзларида ҳам жорий қилишга қарор бердилар.

Бригада раҳбари, Ашхобод темир йўли бошлиғининг ўринбосари А. Федоров мусобақада қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини текшириш натижалари тўғрисида кенгашда сўзлаб берди. Бу кенгашда Тошкент узели корхоналарининг ва касаба союз ташкилотларининг раҳбарлари, шунингдек йўл бошқармаси бўлимларининг инженер-техник ходимлари қатнашдилар. Ўртоқ Федоров Ашхобод темир йўлчиларининг иш тажрибаси тўғрисида, уй-жой ва саноат объектлари қурилишида меҳнатнинг янгича ташкил қилиниши ҳақида гапириб берди. (ЎзТАГ).

Халқлар дўстлигига бағишланган республикаларо семинар

«Халқлар дўстлиги ва социалистик интернационализм — коммунизм қуриш учун курашда улуғ куч» деган темадаги республикаларо кенгаш-семинар Тошкентда ўз ишини давом эттирмоқда. Бу кенгаш-семинар Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи Бутуниттифоқ жамияти правленияси, СССР Фанлар академиясининг Тарих институти, Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон жамиятларининг правленияси томонидан чақирилган.

Семинар ишининг иккинчи куни СССР Фанлар академиясининг Жаҳон экономикаси ва халқаро муносабатлар институтининг етакчи илмий ходими, иқтисодий фанлар доктори И. Н. Дворкининг «Ҳозирги замон ревизионизмининг идеологик ва сиёсий банкротлиги» деган лекцияси билан бошланди. Сўнгра Туркманистон ССР Фанлар академияси Тарих институти секторининг мудири, тарих фанлари кандидати М. Язикова Ўрта Осиё халқларининг тарихий тақдирида улуғ рус халқининг роли тўғрисида лекция ўқиди. СССР Фанлар академияси Африка институтининг илмий ходими тарих фанлари кандидати А. Б. Давидсоннинг «Африка халқлари озодлик учун курашда» деган лекцияси ҳам тингланди.

Кечқурунги машғулотда семинар қатнашчилари халқлар дўстлиги ва социалистик интернационализм идеяларини пропаганда қилиш соҳасида илмий ва сиёсий билимларни тарқатувчи жамиятларнинг иш тажрибаси билан ўртоқлашдилар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИДА

КЎЗБЎЯМАЧИЛАРГА ШАФҚАТ ЙЎҚ!

Яқинда Тошкент область партия комитетининг бюроси Гулистон район партия комитетининг собиқ биринчи секретари ўртоқ Укубоев ўз фаолиятида катта хаталарга йўл қўйганлиги ҳақида Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва область партия комитетига тушган сигналлар асосида ўтказилган текшириш натижаларини муҳокама қилди. Бу масала юзасидан бюро қабул қилган қарорда шу нарса таъкидланадики, шикоят ва маълумот хатларида келтирилган фактлар ҳақиқатан тўғри. Кўзбўямачилик ва давлатни алдаш, жамоат мулкини талон-тарож қилганларни яшириш, кадрлар танлаш ва уларни жой-жойига қўйишда ленинча принципларни қўпол равишда бузиш фактлари кўп содир бўлганлиги тасдиқланди.

Гулистон районининг колхоз ва совхозлари 1960 йили пахта тайёрлаш планини атиги 77 процент бажардилар, давлатдан 14 минг тонна пахта қарз бўлиб қолдилар. Пахта ҳосилдорлиги 1959 йилдагига нисбатан гектар бошига 6,3 центнердан камайтириб юборилди. Кўпгина колхоз ва совхозларда чорва маҳсулдорлиги жуда паст, ҳар юз бош чорвадан олинаётган насл кам, чорва маҳулотларининг таннархи қиммат. Район колхозлари ўтган йили 1959 йилдагидан 4 миллион 600 минг сўм кам даромад қилдилар.

Гулистон район партия комитетининг биринчи секретари Қ. Укубоев ва район ижроия комитетининг раиси С. Усмонов ўртоқларнинг имзоси билан 1960 йил 16 октябрда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг IV пленумига ва область партия комитетига рапорт юборилган. Унда район колхоз ва совхозлари силос бостирниш планини 169 процент қилиб бажардилар, яъни 83 минг тонна силос бостирдилар ёки ҳар бош сигирга 20 тоннадан силос тайёрладилар, дейилган. Ўлчаб кўрилганда рапортда ёзилганидан 35 минг тонна кам силос бостирилганлиги, ўша пайтда ҳатто план ҳам бажарилмаганлиги аниқланди.

Дағал хашак тайёрлаш ва чорва молларининг сони кўпайтирилганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам юқоридаги сингари ошириб кўрсатилган. Масалан 1961 йил 1 январь ва 1 мартгача бўлган маълумотда 246 гунажин сигир ҳисобига ўтказилиб, сигирлар сони кўп кўрсатилган. Бозордан чорва молларн, чорвачилик маҳсулотлари сотиб олиб, уларни план ҳисобидан давлатга сотиш фактлари кўп содир бўлган.

Ўтган йили райондаги колхоз ва совхозлар ҳисоботида кўп ошириб ёзишлар ва ҳақиқатда экилган экинлар миқдорини яшириш ҳоллари юз берган. 2125 гектар ерга экилган шоли ҳисобга киритилмаган ва аксинча 1619 гектар ерга беда, 871 гектар ерга жўхори экилмагани ҳолда экилди деб кўрсатилган.

1960 йили Мирзачўл пахта тозалаш заводига топширилган пахтанинг 186 тоннаси кўпайтириб расмийлаштирилган, ҳозир ҳам шунча пахта завод ҳисобида етишмай турибди.

Район партия комитетига ва шахсан ўртоқ Укубоевнинг ўзига сўнгги икки йил мобайнида район хўжаликларида давлатни алдаш ва суиистеъмол қилиш фактлари юз бераётганлиги тўғрисида прокуратуранинг жуда кўп ёзма ва оғзаки сигналлари, ахборотлари тушган. Бироқ район партия комитети давлат манфаатларига зид ишларга зарба бериш ва чек қўйиш юзасидан зарур чора кўрмаган.

«Москва», «Ленинград» колхозларида ва бошқа бир қанча хўжаликларда шоликор ерларни колхоз аъзоси бўлмаган кишиларга ижарага берилган. Бу, ҳосил етиштирилган экин майдонларини талон-тарож қилишга олиб келди. Ўтган йили район бўйича ҳар гектар ердан ўрта ҳосилда атиги 5,7 центнердан шоли олинди. Қонунчиликнинг айрим колхоз раҳбарлари томонидан бундай бузилиши ҳақида район прокурори райкомга ва шахсан ўртоқ Укубоевга бир неча марта хабар қилган.

Прокуратура «Ленинград» колхозида жамоат мулки талон-тарож қилинаётганлиги ва бу ишга мазкур қишлоқ хўжалик артели раиси Туроб Йўлдошев ҳомийлик қилаётганлиги тўғрисида ўртоқ Укубоевга бир неча марта ахборот ёзган. Аммо район партия комитети бу ахборотлар асосида ҳеч қандай чора кўрмаган. «Ленинград» колхози раҳбарларининг жиноий ишлари ўртоқ Укубоев райондан кетганидан кейингина кўзғатилди. Терговда колхоз мулкининг талайгина қисми ўғирланганлиги ва талон-тарож қилинганлиги маълум бўлди. Тахминий ҳисобларга кўра колхозга 300 минг сўмдан кўп (эски пул ҳисобида) зарар етказилган.

Район партия комитетига 1960 йили апрель ойида бир ариза тушган. Унда «Москва» колхозининг раиси Мирзаев ўзига данғиллама уй қуриб олди, хотини устига хотин олди, ўз атрофига қариндош-уруғларини тўплади, чорва моллари сотиб олишда турли қаллобликлар қилаётир, унинг қариндоши Каттаев колхоз узумини республикадан узоқдаги жойларга олиб бориб сотиб, бундан ўзи катта даромад қилаётир. Мирзаевнинг Вревскдаги техникумда ўқиётган ўғлига тўрт йилдан бери қонунга хилоф равишда меҳнат куни ёзилаётир, дейилган. Ариза-да Мирзаевнинг бундай нолойиқ ҳулқ-атвори ва ҳатти-ҳаракатлари район партия комитетининг секретари ўртоқ Укубоевга маълум, лекин у буни яшириб келаётир, деб кўрсатилган.

Ўртоқ Укубоев бу сигнални олгач уни синчиклаб текшириш ўрнига хат авторини топишни буюрган ва орадан уч ой ўтгач гўё сигнал ғиғвогарликдан иборат деб, уни ҳисобдан чиқариб юборишни тавсия этган. Ваҳоланки, кейинчалик юқоридаги хатда келтирилган фактлар асосан тасдиқланди.

Баъзан ўртоқ Укубоев шубҳали, ишониб бўлмайдиган кишиларни қўллаб-қувватлаган. Масалан, 1959 йили Мирзачўл пахта тозалаш заводининг товароведи Набатовда 560 минг сўмлик пахта етишмаётганлиги маълум бўлган. Бунинг учун Набатовни жиноий жавобгарликка тортиш масаласи кўтарилганда ўртоқ Укубоев уни ҳимоя қилган ва пахта тозалаш заводининг директори Андрюшин, унинг тайёрлаш бўйича ўринбосари Назаров ўртоқларга Набатов ҳисобидаги камоматни бошқа пахта пунктлари ва пахтанинг нами кочиши, чиқиндига чиқиши ҳисобидан тўғрилаб юборишни тавсия қилган.

Ҳозирги пайтда тергов натижасида шу нарса аниқландики, Набатов бир неча йилдардан бери пахта тайёрлашда район колхозлари билан ғайри қонуний алоқа қилиб келган. У ҳозир жиноий жавобгарликка тортилган.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

ҒАЙРАТ ВА ШИЖОАТ БИЛАН МЕҲНАТ ҚИЛИБ, ДАЛА ИШЛАРИ СУРЪАТИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК!

Колхозчилар, совхоз ходимлари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари! Деҳқончилик маданиятини оширингиз! Фан, техника муваффақиятларини ва илғор тажрибаларни ҳамма колхозлар ва совхозларда янада дадилроқ жорий қилингиз!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИДА

КЎЗБЎЯМАЧИЛАРГА ШАФҚАТ ЙЎҚ!

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Бу ва шу сингари фактлар ўртоқ Укубоев бошчилигидаги район партия комитети муҳим ва жиддий масалаларни ҳал этишда принципсизлик қилганлигини кўрсатиб турибди. Колхоз ва совхозлардаги суиистеъмол қилиш ва ҳаддан ташқари тартибсизликлар аксарият ҳолда район партия комитети томонидан эмас, балки прокуратура ва юқори партия органларининг ташаббуси билан фош этилган.

Ўртоқ Укубоев томонидан йўл қўйилган камчиликларнинг кўпчилигига район партия комитетининг иккинчи секретари ўртоқ Пронин ҳам айблидир. У принципсизлик қилган ва ҳақиқатда Укубоевнинг айтган сўзларидан чиқмаган.

Гулистон район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Усмонов районни ободонлаштириш тўғрисида кам қайғуради, кадрларни танлашда хатоларга йўл қўяди, қишлоқ хўжалиги илғорларини мукофотлаш учун ажратилган фондни нотўғри тақсимлайди, колхоз ва совхозларнинг хўжалик фаолияти билан етарлича шуғулланмайди, муҳим масалаларни ҳал этишда принципсизлик қилади. Ўртоқ Усмонов район бюджети ҳисобидан ўзига уй қуриб олган.

1960 йил июнь ойида ўртоқ Усмонов Самарқанд область Зомин районидаги (илгари ўртоқ Усмонов шу район партия комитетининг секретари вазифасида ишлаган) «Ударник» ишчилар кооперациясининг тайёрловчиси Тангир Жумановга «Боёвут» станциясида тарвуз сотиб олиш учун майдонча қуришга рухсат берган. Кооперацияга тарвуз тайёрлаш давомида Жуманов 80 минг сўмни ўзлаштириб олган. Ҳозирги пайтда Жуманов устидан жиноий иш қўзғатилди.

Гулистон районида 1960 йили давлатни алдашга, силос ва чорва моллари сонини ҳамда етиштирилган пахта миқдорини кўпайтириб кўрсатишга йўл қўйганлиги учун Гулистон район партия комитетининг собиқ биринчи секретари Қинабек Укубоевни КПСС аъзолиги сафидан чиқариб юборса бўлар эди. Лекин унинг ўзи, йўл қўйган хатоларини чин юракдан эътироф этганлигини эътиборга олиб, область партия комитетининг бюроси ўртоқ Укубоевни Бўстонлиқ район партия комитетининг биринчи секретари вазифасидан бўшатиш ҳамда унга сўнги огоҳлантириш ва учет, карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилиш билан чекланишни лозим топди. Шунингдек бюро область партия комитетининг навбатдаги пленумига ўртоқ Укубоевни область партия комитети аъзолигидан чиқариш масаласини қўйиш ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетидан ўртоқ Укубоевни Ўзбекистон КП Марказий Комитети составидан чиқаришни сўрашга қарор қилди.

Силос ва чорва моллари сонини ҳамда етиштирилган пахта миқдорини қўпайтириб кўрсатганлиги учун ўртоқ Саттор Усмонов меҳнаткашлар депутатлари Гулистон район Совети ижроия комитетининг раиси вазифасидан олиб ташланди ва унга огоҳлантириш, учет карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинди. Область партия комитетининг навбатдаги пленумида ўртоқ Усмоновни область партия комитетининг ревизия комиссияси составидан чиқариш масаласи қўйилади.

Принципсизлиги, кўзбўямачилик ва давлатни алдаш фактларига муросасозлик билан қараганлиги учун район партия комитетининг иккинчи секретари ўртоқ Пронинга огоҳлантириш ва учет карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинди.

Гулистон район партия комитетига кўзбўямачилик ва суиистеъмол қилишда айбдор бўлган шахсларни муҳокама қилиш ва партиявий жавобгарликка тортиш, бундан буён кўзбўямачилик ва давлатни алдашга йўл қўймаслик ҳамда планлаштириш-статистика органларини кадрлар билан мустаҳкамлаш чораларини кўриш, ҳаммаҳ ходимларнинг партия ва давлат интизомига қатъий амал қилишларини таъминлаш тавсия этилди.

Гулистон район партия комитетига колхозчилар, ишчилар ва хизматчилар орасидан партия XXII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириш чораларини кўриш, бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини ошириш ва етти йилликнинг учинчи йили юзасидан олинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Аквар Эгамназаров бошлиқ бригадасида квадрат-уялаб чигит экишга киришилди. Суратда: тракторчи Ю. Қодиров, сеялкачи Р. Айтимбетов, лебедкачи Х. Илёсов ўртоқлар чигит экмоқдалар.

А. Абалян фотоси.

ДЕПУТАТ БОШЛИҚ БРИГАДАДА

Янгийўл районидаги Свердлов номли колхознинг область Совети депутати Иброҳим Раҳмелов бошлиқ бригадаси аъзолари бу йил 75 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилганлар.

Бригаданинг куза шудгор қилинган ерларига 300 килограммдан суперфосфат ва кўп миқдорда маҳаллий ўғит солинган эди. Далага ўғит чиқариш ҳозир ҳам давом этмоқда. Шу кунгача гектар бошига чиқарилган ғўнг 10 тоннаданни ташкил этди.

Бригада аъзолари бўш ётган ерларни ўзлаштириш ҳисобига пахта майдонини 5 гектарга кенгайтирилар.

Бригадада пайкал чеккаларидаги марзалар, ортиқча йўллар ерга қўшиб юборилди. Ернинг намини сақлаш мақсадида борона қилинмоқда. Бригадада чигитни квадрат-уялаб экишга алоҳида эътибор бериляпти. Универсалчи Т. Тўраев бошлиқ Р. Абдураҳмонов, М. Йўлдошев, А. Бойназаровлардан иборат экипаж аъзолари амалий машғулотларда аниқ квадратлар ҳосил қилиш техникасини ўрганиб олдилар.

Бригадада ҳозир етилган ерларга танлаб чигит экишга киришилди.

К. СОБИРОВ.

Область районларида чигит ва маккажўхори экишнинг бориши тўғрисида 1961 йил 11 апрелгача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Чигит экиш: ҳаммаси	Чигит экиш: шу жумладан квадрат-уялаб	Маккажўхори экиш: ҳаммаси	Маккажўхори экиш: шу жумладан квадрат-уялаб
Оққўрғон	22,4	9,7	42,5	25,3
Оҳангарон	—	—	30,8	18,1
Бекобод	24,5	18,2	31,6	27,8
Бўстонлиқ	—	—	4,0	6,3
Бўка	18,7	8,4	37,0	36,8
Юқори Чирчиқ	13,0	1,6	25,0	36,8
Гулистон	8,3	9,7	43,5	46,6
Қуйи Чирчиқ	15,3	15,7	55,3	49,0
Оржоникидзе	20,2	5,1	35,0	11,0
Пискент	14,9	10,0	58,5	70,5
Ўрта Чирчиқ	14,3	2,9	33,2	21,4
Сирдарё	11,7	9,0	81,0	37,8
Чиноз	17,5	1,5	25,5	1,3
Янгийўл	36,1	20,3	62,6	14,1
Янгиер шаҳри	11,7	9,5	28,6	28,3
Калинин	—	—	57,0	61,3
Жами:	16,7	9,1	31,1	33,0

ЧИГИТ ПАЛА-ПАРТИШ ЭКИЛМОҚДА

Гектарларда кўчатнинг нормал қалинликда бўлиши кўп жиҳатдан экишнинг қисқа муддатда, сифатли ўтказилишига боғлиқ.

Ҳўп, бу йил мамлакатга 19600 тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олган Оржоникидзе районининг колхозларида чигит экиш қандай ташкил қилинган? Очиқ эътироф қилиш керакки, айрим колхоз, бригадаларда экишнинг дастлабки кунларидан бошлаб жиддий камчиликларга йўл қўйилаяпти. Чигит яхши тайёрланмаган майдонларга пала-партиш экилаётир.

Киров номли колхознинг ўртоқ Қ. Раҳимов бошлиқ 4-бригадаси даласи. Ерларни борона қилаётган бир колхозчидан бошқа ҳеч ким йўқ. Универсалчи Р. Алиев ҳам кўринмайди. трактор бекор турибди.

— Тракторчи қаерда? — сўрадик колхозчидан.

— Яқинда шу ерда эди, — жавоб берди колхозчи. — Чамамда ер бироз лойлик қилди шекилли, тракторни қолдириб, ўзи қаёққадир кетди.

Экишнинг сифатини текшириб кўрдик. 30х60 схемасига мосланган сеялканинг сошниклари созланмаган. Уруғ ташлайдиган қисмларининг бири уяларга 8-10 тадан уруғ ташласа, бошқаси уруғни қаторасига тўкиб кетади. Айрим уяларга эса 2-3 тадан чигит тушибди, ҳолос.

Ўртоқ Тўрабек Чўтанов бошлиқ бригадада ҳам чигит экишга бепарволик билан қаралган. Тракторчи С. Ҳайитов, сеялкачи Й. Эшонқулов ўртоқларнинг масъулиятсизлиги орқасида бир уяга 54 тагача чигит ташланган. Трактор айланган жойларда бир неча қаторда чигит ер юзасига чиқиб қолган. Қатор ва эгат оралиги бир хилда эмас. 30 ўрнига чигит 33—36 сантиметр кенгликда экилган. Ерларнинг бурчаклари, йўл чеккалари чала қолдирилган. Бу бригаданинг тўла гектар учун курашмаётганини кўрсатади. 5-6-бригадаларда ҳам сеялкаларда шундай камчиликлар борлиги маълум бўлди.

«Маданият» колхозида ҳам чигит экишда шошма-шошарликка йўл қўйилаётир. Ўртоқ М. Акбаров звеносида чигит экаётган сеялканинг дискаси бузуқ, занжири яхши ишламаганидан чигит ҳар хил кенгликда экилмоқда. Шу сабабли бир метр ерда 40 тадан ортиқ чигит бўлгани ҳолда, иккинчи қаторда фақат 13 та чигит экилибди. Уяларнинг оралиги ҳам турлича. Текшириш уяларнинг оралиги 10, 18, 38 сантиметр бўлганлигини кўрсатди.

Колхоз правлениеси 305 гектар майдонга чигитни квадрат-уялаб экишни планлаштирган. 5 апрелгача квадрат-уялаб чигит экиладиган ерларга қозиқ қоқиб чиқилиши керак эди. Лекин бир гектар ерга ҳам қозиқ қоқилган эмас. Бу квадрат-уялаб чигит экишнинг кечикишига сабаб бўлаётир.

Шуни ҳам айтиш керакки, ерларни чигит экишга сифатли тайёрлашга эътибор берилмаяпти. Кесакларга майдаланмасдан чигит экилаётир. Ўртоқ Ғ. Қодиров бригадасининг юқори зонасида шундай аҳвол юз берган. Бир боронанинг 6 та зиғзаги йўқ. Бошқасида ҳам шундай нуқсонлар бор. Борона ясоқсиз бўлганидан кесаклар майдаланмаган.

Энг ёйирик, юқори ҳосилли «Қизил Ўзбекистон» колхозида сеялкалар чигит экишга пухта тайёрланмаган. Текшириб кўрилган 11 та сеялканинг ҳар бирида 10-15 тадан нуқсон бор. Қатор оралари ҳам турлича. Сеялкаларнинг бир хил кенгликда бўлмаслиги бир неча гектар ернинг пўстдумбага чиқиб кетишига сабаб бўлади.

Вазифа — чигит экишнинг дастлабки кунларидаги нуқсонларни дарҳол бартараф қилиш, чигитни ўз вақтида ва юқори сифатли экиб, мўл ҳосил учун пухта замин яратишдан иборатдир.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Бўстонлиқ район партия комитетининг пленуми

Бўстонлиқ район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди.

Пленум ўртоқ Қ. Укубоевни район партия комитетининг биринчи секретари вазифасидан бўшатди, уни район партия комитетининг бюро аъзолигидан ва райком аъзолигидан чиқарди. Район партия комитетининг биринчи секретари қилиб ўртоқ М. С. Тожибоев сайланди

Пленум ишида область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. А. Абдураззоқов ва область партия комитетининг иккинчи секретари ўртоқ С. М. Веселов иштирок этдилар.

ЧЎЧҚАЧИЛИК РИВОЖЛАНЯПТИ

Чиноз районидаги «XXI партсъезд» колхозининг ўртоқ Т. Тўрамуродов бошлиқ чўчқачилик фермаси тузилганида атиги 10 тагина она чўчқа бор эди. Мана, орадан 4 йил ўтди. 1960 йили ферманинг Т. Нурматов, С. Эмлянов ва М. Эсовун каби тажрибали чўчқабоқарларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли чўчқалар сони 1085 бошга етказилди ва давлатга 38 тонна гўшт сотилди.

Шу кунларда фермада пландаги 534 ўрнига 700 та чўчқа боласи олиш учун курашмоқда.

Колхозда бу йил чўчқаларга мўлқўл озуқа базасини яратиш учун 35 гектар майдон ажратилди. Бу майдонларга қовун, тарвуз, хашаки лавлаги, бодринг, сабзи экиш учун тайёргарлик ишлари авж олдириб юборилди.

Ж. ҲАСАНБОЕВ, М. УСТАБОБОЕВ.

ҚИШЛОҚ МЕХАНИЗАТОРЛАРИГА ЁРДАМ

Чигит экишда махсус асбоблардан фойдаланмай квадрат ҳосил қилиш усули

ОБЛАСТЬ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ НОВАТОРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ АЪЗОЛАРИ МАСЛАҲАТ БЕРАДИЛАР

«СКГХ—4—6» маркали сеялкада узел ҳосил қилувчи қисм фақат бир томонлама бўлгани учун, бу йилги экиш кампаниясида квадрат-уялаб экишни 60х50 схемаси асосида ўтказиш бирмунча мураккаблашди. Шу сабабли далаларни махсус асбоблар ёрдамида квадратларга бўлиб ўтирмаслик учун, чигит экишни Фарғона областининг Тошлоқ районидаги «XIX партсъезд» колхозининг парторги ўртоқ М. Исмоилов таклиф қилган усулда, яъни бир контроль чизиқ ёрдамида ўтказиш керак.

Бу усулнинг моҳияти қуйидагичадир: экишга киришишдан олдин даланинг бир чеккасидан, сув юрадиган томонга қараб, сеялканинг бир ярим эни узунлигида тўғри чизиқ тортилади. Экиш агрегати биринчи марта ана шу чизиқ бўйлаб ҳаракатланади. Шундан кейин, участканинг четидан 5—6 метр нарироқда, сеялканинг ярим эни узунлигида 2 та сим тортиш станцияси ўрнатилади. Бу иккала станция ўртасида, ҳалиги тортилган чизиққа қатъиян параллель ҳолатда режа сими жойлаштирилади ва уни одатдаги тартибда тортиб, таранг қилинади.

Биринчи ҳаракат вақтида тракторчи экиш агрегатини қатъиян тўғри чизиқ бўйлаб юргизиши лозим. Шундай қилганда, агрегатнинг кейинги юриб ўтиши учун маркер тўғри чизиқли из қолдиради.

Участканинг охирига етиб боргач, тракторчи агрегатни буриб, орқага қайтади ва бунда режа сими-нинг ҳолати асло ўзгармайди.

Трактор орқага қайрилгач, 2—3 метр юргандан сўнг кўндаланг уяларнинг мос бўлишини текшириб кўради, зарур бўлган тақдирда сеялка қайтадан тўғриланади.



Битта контроль чизиқ билан квадрат-уялаб экиш схемаси.

Картанинг энг кенгайган ерида кўндаланг каторлардан бирини очилади ва чуқурчаларнинг ўртасига кичик қозиқчалар қоқиб чиқилади. Шу тариқа сеялканинг ҳаракат йўналишига тик бўлган тўғри чизиқ аниқланади.

Шундан кейин, тўғри чизиқ устида учрайдиган чуқурчаларга қозиқ ўрнига ҳар бирининг баландлиги 1,5—2 метр келадиган 3—4 тадан тахтачалар қадаб чиқилади ва участканинг охирига қадар тўғри чизиқ ҳосил қилинади.

Мазкур тахтачалар устидан 25—30 метрли арқон тортилиб, тупроқ устида контроль чизиқ ҳосил қилинади. Бу чизиқ экиш агрегати ҳаракатининг йўналишига тик ҳолатда бўлиши керак.

Контроль чизиқ ҳосил қилингандан кейин экиш агрегатининг навбатдаги юриши учун режа симини одатдаги тартибда кўчиридаги. Шундан кейин, режа симини таранг қилиб тортилади. Бунда режа симининг ҳар бир шайбаси контроль чизиққа мос бўлиб тушиши керак. Шайбанинг контроль чизиққа мос эканлигига ишонч ҳосил қилингандан кейин экишни давом эттириш мумкин.

Бундай усулда симнинг қатъиян тўғри чизиқли бўлишини, режа сими янги позицияга кўчирганда унинг ҳамма вақт бир хил тарангликда тортилишини таъминлаш аниқ квадратлар ҳосил қилишнинг муҳим шартидир. Квадратларнинг аниқлиги одатдаги тартибда текшириб кўрилади.

Чигит экишнинг оу усули қўлланилганда ҳам, экиш агрегатининг шахсий состави квадрат бурчакларини махсус асбоблар ёрдамида белгилаб, икки контроль чизиқ ёрдамида экишдагидек қолаберади.

ТУРСУНОЙЧИЛАР САФИ КЕНГАЯДИ

Аввалги йиллари машина билан пахта терадиган Турсуной бир киши бўлган бўлса, ўтган йили турсунойчилар сафи кенгайиб, юзлаб хотин-қизлар «ХВС-1,2», «СХМ-48» машиналарини моҳирлик билан бошқаришди. Хирмонга баракали «оқ олтин» тўкишди.

Мана бу йил турсунойчилар сафи янада кенгаяди. Шу неча-кундузда Мирзачўл шаҳридаги қишлоқ хўжалигини механизациялаш билим юртида очилган олти ойлик курсда область колхозлари ва совхозларидан келган 60 га яқин хотин-қиз ўқимоқда. Улар терим машиналарини моҳирлик билан бошқариш йўлларини қунт билан ўрганишаяпти. Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхознинг аъзоси Шаҳри Абдуллаева, Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхозининг аъзоси Ойниса Дўсматова ўртоқлар каби турсунойчилар ўқишда қобилиятли эканликларини кўрсатмоқдалар. Улар бу йил ўз машиналарида эл хирмонига нам деганда 150 тоннадан «оқ олтин» тўкишни дилларига жо қилганлар.

И. БЕКМАХАМАТОВ.

ПАРТИЯ КОНТРОЛЬ КОМИССИЯСИНИНГ ИШ ТАЖРИБАСИДАН

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ ЦЕХГА КЕЛДИ

Бутун коллектив эл-юрт олдида берилган ваъданинг устидан чиқиш, партия ва халққа ёруғ юз билан боқиш мақсадида астойдил ишларди. Лекин бир нарса ана шу йўлдаги муваффақиятли курашга ҳалақит берарди: завод қуюв цехи қоникарсиз ишларди. Нима қилиш керак? Агарда қуюв цехи зарур узел ва деталлар заготовкасини ўз вақтида ва етарли миқдорда етказиб бермаса, механика ва йиғув цехларида иш оқсаб қолади.

Завод партия ташкилоти бу цехнинг ишлаб чиқаришдаги ролини яхши билар ва шу сабабли уядаги нормал аҳволга бефарқ қарай олмас эди. Партия бюросининг аъзолари ўзаро маслаҳатлашиб, бу масалани жиддий суръатда ўрганишни асосий вазифа қилиб қўйдилар. Бунинг учун қуюв цехида янги техникани жорий этиш бўйича партия контроль комиссиясига цехдаги мавжуд аҳволни ҳар тарафлама ўрганишни топшириш ва текшириш натижаларини партия бюросининг навбатдаги мажлисида муҳокама қилишга қарор қилинди. Шу комиссия раиси инженер Липнин бош энергетика бўлимининг старший мастери Гольдберг ҳамда қуюв цехининг старший мастери Ҳусанов ўртоқлар ва комиссиянинг бошқа аъзолари билан маслаҳатлашди. Вазифа жуда масъулиятли эди. Ишнинг муваффақиятли чиқиши учун комиссиянинг ҳар бир аъзосига аниқ топшириқлар бериш, қуюв цехидаги маълум бир объектларни ўзаро тақсимлаб олиш, бўлажак операция планининг ипидан-игнасигача чуқур ва пухта ўйлаб гузиб олиш зарур эди.

Комиссия аъзолари иш бошлашдан олдин шу цехни реконструкциялаш ҳақида завод директори чиқарган жуда муҳим буйруқни яна бир бор ўрганиб чиқишди. Буйруқда кўрсатилишича, цехни реконструкциялаш бўйича катта ҳажмда иш бажарилиши лозим эди. Жумладан, иккинчи конвейерни қайта ускуналаш, эпрон-конвейерни ишга туширш, қолипдаги заготовкаларни механизация ёрдамида чиқариб олишни жорий этиш ва бошқа бир қатор тадбирлар белгиланган эди. Эндиликдаги вазифа — ана шу тадбирларнинг қандай бажарилаётганлигини аниқлаш, реконструкция ишларини нормал ҳолда олиб боришга нималар тўсқинлик қилаётганлигини билиш ва ишчилар ҳамда мутахассислар билан маслаҳатлашган ҳолда бу камчиликларни тугатиш йўлларини белгилашдан иборат эди.

Комиссиянинг ҳар бир аъзоси ўз зиммасига жуда масъулиятли ва шу билан бирга шарафли вазифа юклатилганлигини чуқур ҳис қилар ва сезар эди. Уларнинг ҳар бири қайси йўл билан бўлмасин, завод партия бюросининг бу топшириғини коммунистларга хос сидқидиллик билан бажариш иштиёқи билан тўлиб-тошганди.

Цехдаги аҳвол билан бевосита таниша бошлаганда шу нарса маълум бўлдики, реконструкция бўйича белгиланган графикнинг бажарилиши хавф остида қолган, қолиплар тайёрланадиган конвейерни қайта ускуналаш, бункерли эстакадани ўрнатиш, эпрон конвейери ишга тушириш ишлари ҳаддан ташқари чўзилиб кетган. Пўлат қуйилмалари ишлаб чиқариш плани бажарилмаган.

Эндиликда ҳамма гап ана шу «касал» ликларни туғдираётган сабабларни аниқлашда қолган эди. Чунки «касал»ликнинг сабаби қанчалик тўғри аниқланса, уни «тузатиш» ҳам шунчалик енгил бўлади. Комиссия аъзолари цехдаги турли касб ишчилари билан суҳбатлашдилар, технология жараёнлари билан, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш билан чуқур ва ҳар тарафлама танишдилар. Қуювчи ишчилар цехдаги камчиликларни очиб ташлашда комиссия аъзоларига яқиндан ёрдам бердилар. Улар қуйди-пиздилик ва жонкуярлик билан ана шу камчиликларни тугатиш юзасидан ўз таклифлари ва мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Комиссия масала моҳиятининг ичкарисига чуқурроқ кира бориб, юқорида айтиб ўтилганлардан ташқари яна бир қатор жиддий камчиликларни аниқлади. Корхона ремонт-механика цехи қуюв цехини зарур деталлар, запас қисмлар билан белгиланган график асосида таъминлаб туриши лозим. Акс ҳолда бир агрегатнинг бирор арзимас қисми ишдан чиқиб қолса ҳам технологияда узилиш ҳосил бўлади. Амалда эса ремонт цехи ҳамма вакт ҳам график бўйича ишламас экан. Цех ишчилари комиссия аъзоларига шундай бир воқеани гапириб беришди.

Бир куни транспортёрнинг ўқи синиб кетди. Агар запасда бошқа ўқ бўлса, қўлы билан икки соатдан сўнг агрегат яна ишлайберар эди. Лекин запас ўқ йўқ эди. Натижада транспортёр эртаси куни ҳам ишламади. Печларнинг ҳам запас қисмлари йўқ. Кўп ҳолларда ремонт-механика цехи бирор ускуна ишдан чиқиб қолсагина, ўшанга қараб зарур детални тайёрлаб берар экан. Оқибатда ишчилар ҳам, асбоб-ускуналар ҳам бекор туриб қоларди.

Завод таъминот бўлимининг оператив ишламаслиги ва арзимаган материалларнинг етишмаслиги оқибатида белгиланган му-

☆

Тошкентдаги профтехника мактаби республикамиз шаҳар ва қишлоқларида ишлаш учун кўплаб малакали кадрлар етиштириб бермоқда. Мактабда дурадгорлик, заргарлик, бичув-тикув, радиотехника, гилам тўқиш каби бир неча бўлимлар бор. Бу мактабда таълим олаётган ўғил-қизларимиз ана шу соҳалар бўйича мастер, техник каби мутахассис бўлиб етишадилар. Айниқса бичув-тикувчилик ҳунари қизларнинг севган касбидир. Ҳозир пойтахтдаги кўпгина модалар ателъесида шу мактабни тугаллаган чеварлар ишламоқда. Суратда: бўлажак чеварлар—тикувчилик бўлимининг III курс студентлари Флора Каримова билан Фрида Аракелян ўртоқлар.

Ж. Ваҳобов фотоси.

☆

ФАН ВА ТЕХНИКАМИЗ ЯНАДА РАВНАҚ ТОПАДИ

Олимлар партия ва ҳукуматнинг фанни янада ривожлантириш чоралари тўғрисидаги қарорини табрикламоқдалар

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг мамлакатда илмий тадқиқот ишларини координация қилишни ва СССР Фанлар академиясининг фаолиятини яхшилаш чоралари тўғрисидаги қарори муносабати билан 10 апрелда СССР Фанлар академияси президиумининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда СССР Фанлар академияси президиумининг аъзолари, академиянга қарашли энг катта институтларнинг директорлари ҳозир бўлди. Мажлис ишида КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ А. Н. Косигин ҳамда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Министрлар Совети илмий тадқиқот ишларини координация қилиш давлат комитетининг раиси ўртоқ М. В. Хруничев қатнашдилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарори тўғрисида СССР Фанлар академиясининг президенти академик А. Н. Несмеянов ахборот берди. У ўз нутқида Ватанимиз фани ва техникасини ривожлантиришда эришилган жуда катта муваффақиятларни айтиб берди. Академик А. Н. Несмеянов коммунизм қуриш авж олдирилаётган даврда ва КПСС XXII съезди яқинлашиб келаётганлиги муносабати билан совет фани зиммасига тағин ҳам катта масъулият тушаётганлигини таъкидлади. У илмий тадқиқотларни ўтказиш ва координация қилиш ишидаги мавжуд камчиликларга тўхталиб ўтди, кейинги йилларда СССР Фанлар академиясида тармоқ илмий муассасалари анча кўпайди, натижада академия жуда катталашиб кетди ва уни идора қилиш қийинлашиб қолди.

Академик А. Н. Несмеянов уқтириб айтдики, янги шароитда СССР Фанлар академияси ўз фаолиятида халқ хўжалигининг амалий вазифалари билан чамбарчас алоқада бўлиб ишлашни таъминлаб, фундаментал фанларни ҳар томонлама ривожлантиришга кўпроқ эътибор бериши лозим.

Академик А. Н. Несмеянов ва сўзга чиққан академиклар А. Л. Минц, Н. Г. Бруевич, И. В. Тюрин, Н. М. Сисакян, Н. Н. Семенов, К. В. Островитянов, А. И. Берг, В. А. Трапезников, Е. К. Федоров, А. В. Топчиев КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорини қизғин маъқуллаб, бу қарор совет фанининг янада самарали ривожланишини ва равнақ топишини таъминлайди деб ишонч билдирдилар.

Академик А. Л. Минц ўз нутқида янги тузилган давлат комитети катта ташкилотчилик ролини ўйнаши лозимлигини айтди, шунингдек техника фанлари бўлимининг ишидаги янги формалар тўғрисида, жумладан йирик қишлоқ хўжалик проблемалари бўйича комплекс илмий техника экспертизаси ўтказиш зарурлиги ҳақида гапирди.

Академик Н. Н. Семенов СССР Фанлар академияси фанининг ўзини ривожлантириш учун ҳам, шунингдек халқ хўжалиги учун ҳам энг кўп натижа берадиган тадқиқотларга кўпроқ зўр бериш лозимлигини кўрсатиб ўтди.

Академик А. И. Берг иқтисодий фан ҳақида бир мунча танқидий мулоҳазаларни айтди. У фаннинг турли тармоқларида математика методларидан ва ҳисобловчи техникадан жуда кенг фойдаланиш зарурлигини қайд қилди.

Академик Е. К. Федоровнинг нутқида академиянинг РСФСР Министрлар Совети қарамоғига ўтказилаётган филиалларига СССР Фанлар академияси илмий методика ёрдами бериб туриши зарурлигини таъкидлади.

Академик А. В. Топчиев ўз нутқида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг совет фанини ривожлантиришда янги босқич очиб берадиган қарорининг катта сиёсий аҳамияти борлигини уқтириб ўтди.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ А. Н. Косигиннинг нутқини СССР Фанлар академияси Президиуми мажлисининг қатнашчилари зўр эътибор бериб тингладилар.

Совет халқининг бахт-садоати йўлида ижодий иш олиб бориш учун, деди ўртоқ Косигин, бизнинг олимларимиз олдида чексиз имкониятлар очиб берилган. Партиямиз Марказий Комитети, ҳукуматимиз, шахсан Н. С. Хрушчев совет олимларининг фидокорона меҳнатига, фан ва техника соҳасидаги катта муваффақиятларига юксак баҳо бермоқдалар. Мамлакатимизда коммунистик қурилиш кенг жабҳа бўйлаб авж олдирилаётган ҳозирги пайтда олимларнинг роли яна ҳам кўпроқ ортади. Фан ва техниканинг энг янги муваффақиятларидан кенг фойдаланмай туриб, коммунизмнинг моддий техника базасини вужудга келтириш мумкин эмас.

Ўртоқ А. Н. Косигин КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қабул қилган қарорнинг халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш ишида совет фанининг ролини кучайтириш ва совет фанини янада ривожлантириш учун катта аҳамияти борлигини кўрсатиб ўтди. У уктириб айтдики, илмий тадқиқот ишларини координация қилиш ва СССР Фанлар академиясининг фаолиятини яхшилаш тадбирлари тўғрисида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қабул қилган қарор мамлакатда фан ва техникани янада ривожлантиришга, фанни ишлаб чиқаришга яқинлаштиришга, илмий тадқиқот ишларини планлаштиришни такомиллаштиришга ва бу ишларнинг координация қилинишини яхшилашга, илмий тадқиқотларнинг натижаларини халқ хўжалигига жорий қилишни тезлаштиришга қаратилган қарордир.

СССР Фанлар академияси президиуми якдиллик билан қарор қабул қилиб, бу қарорда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг мамлакатдаги илмий тадқиқот ишларини координация қилишни ва СССР Фанлар академияси фаолиятини яхшилаш чоралари тўғрисидаги қарори партия ва ҳукуматнинг мамлакатимизда фанни ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилиб, бу ишга зўр эътибор бераётганлигини кўрсатувчи янги далил эканлигини қайд қилди. Бу қарор бутун совет фанини янада ривожлантириш, шунингдек ҳозирги тарихий босқичда СССР Фанлар академиясининг фаолиятини яхшилаш ва ўзгартириш йўлини равшан кўрсатиб берди.

СССР Фанлар академияси президиумининг қарорида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорини бажаришга қаратилган бир қанча амалий тадбирлар белгилаб берилди.

КЛУБИМИЗГА КЕЛИНГ

Колхозимиз райондаги йирик хўжаликлардан биридир. Колхоз партия ташкилоти (секретари ўртоқ Ан) меҳнаткашлар орасида агитация-пропаганда ишларини ҳар доим юқори савияда олиб боради. Клубимизда қишлоқ хўжалик артели меҳнаткашларининг маданий дам олишлари учун барча шароит яратилган. Бу ерда сиёсий ўқиш, турли темаларда лекция ва докладлар системали равишда ўтказилиб туради. Клуб кечқурунлари колхоз меҳнаткашлари билан гавжум бўлиб, саволжавоб ҳамда дам олиш кечалари уюштирилади. Бу ерга йиғилганлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш илғорларининг иш тажрибаларини пропаганда қилувчи журналларни ўқийдилар.

Клуб биноси намунали жиҳозланган. У ерга кирсангиз, шиор ва плакатлар, фотомонтаж, стенд ва диаграммаларга кўзингиз тушади. Буларнинг ҳаммасида КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдига қўйган вазифалари қандай бажарилаётгани ўз аксини топган.

Клубда бешта тўгарак иш олиб бормоқда. Айниқса, 150 қатнашчига эга бўлган ҳаваскорлар тўгараги намунали иш қилаяпти. Ҳаваскорлар ўзларининг мазмунли программалари билан дала шийпонлари, фермаларда мароқли концертлар қўйиб берадилар. Драма тўгараги иштирокчилари эса классик ва ҳозирги замон ёзувчиларининг пьесаларини саҳналаштирди.

Бу муваффақиятларга эришишда клуб советининг фаолияти катта аҳамиятга эга бўлди. Клубимиз совети колхоз раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ким Пен Ҳва, партия ташкилотининг секретари Ан, комсомол ташкилоти ва илғор сут соғувчилардан иборатдир. Улар доим ўз қимматли маслаҳатлари билан ишимизга яқиндан ёрдам берадилар.

Ли Ен НАМ,
Урта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхоз клубининг мудири.

ИЖОДКОР СТУДЕНТЛАР

«Ҳар бир студент институтда ўқиш билан бирга, ишлаб чиқаришга ёрдам бериши ва бу билан ўзининг техника прогрессига муносиб ҳиссасини қўшиши лозим». Бу — Тошкент темирйўл транспорти инженерлари институти студентларининг шиоридир.

Чиндан ҳам бу олий ўқув юртининг ҳар бир студенти бўлажак мутахассислиги бўйича маълум бир проблемани ҳал қилишда қўлидан келганича ёрдамга тайёр. Институт кафедралари ҳамда тажрибали ўқитувчи-профессорлар студентларнинг бу ишига яқиндан ёрдам кўрсатишяпти.

Автоматика, телемеханика ва алоқа факультети студентлари тайёрлаган айрим чертёжлар айниқса характерлидир. Ёш ижодкорлар электротехника кафедраси ташаббуси билан ташкил этилган илмий жамият аъзолари ёрдамида кўпгина таклифлар киритдилар. Студент В. Ивановнинг тайёрлаган «Лампали вольтметр» деган илмий иши пойтахт олий ўқув юртлари студентларининг илмий ишлари бўйича ўтказилган конкурсда юқори баҳоланди. Шунингдек, бу тадқиқот Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг «Фахрий ёрлиғи» билан мукофотланди.

Институт ёш ихтирочиларининг кўпгина ишлари яқинда Тошкент Олимлар уйида очилган «Шаҳар студентлари — ишлаб чиқаришга» деган виставкада намойиш қилиниб, кўпчилик эътиборини ўзига жалб қилди. Айниқса, студентлардан Е. Корнеевнинг «Рандаловчи станокларга қўлланиладиган мослама», механика факультетининг дипломант студентлари ишлаб чиққан «Октябрь революцияси номли завод учун тайёрланган стенд ва мосламаларнинг чертёжлари» деган ишларига юқори баҳо берилди.

Шу кунларда Олимлар уйида КПСС XXII съезди очилиши арафасида ташкил этиладиган шаҳар студентларининг ижодий асарлари виставкасига катта ҳозирлик кўрилмоқда. Институт маъмурияти студентлардан Н. Васильев ва Ю. Бондаренкодарнинг янги ихтироларини бу виставкага юборишни лозим деб топди.

М. СУЛТОНОВ.

АПТЕКАЛАР ТАРМОҒИ КЕНГАЙМОҚДА

Ҳозир областимиз районларида юздан ортиқ аптека меҳнаткашларга намунали хизмат кўрсатиб турибди. Область аптекалар бошқармаси аҳолига медицина хизмати кўрсатишни янада яхшилаш вазифаларини бажарабориб, областнинг кўпгина жойларида янги дорихоналар очаётир. Чирчиқ шаҳридаги қаттиқ қотишмалар заводи ёнида, Орджоникидзе районидаги «XXI партсъезд» совхозида, Ўрта Чирчиқ районидаги Тўлғўғиз сув омбори ёнида очилган аптекалар шулар жумласидандир. Олмалиқ шаҳрида ишга туширилган катта аптеканинг ўзида 40 киши хизмат қилади.

Юқоридагилардан ташқари йил охиригача яна 5 та аптека очиш мўлжалланмоқда. Область аптекалар бошқармаси областимиз районларида фидокорона меҳнат қилаётган пахтакорлар учун 5 мингдан ортиқ аптечкалар юборди.

Аҳоли талабларини ҳисобга олиб, Тошкент шаҳридаги аптекалар сони ҳам кўпайтирилаётир. Яқин ойлар ичида Оқтепа ва Чиланзор массивларида, «Таштрансмаш» заводи ёнида ва бошқа бир қанча жойларда янги аптекаларни ишга тушириш кўзда тутилмоқда.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

ОТАЛИК ЁРДАМИ БИЛАН

Мактабларни бир сменали машғулотларга кўчиришда мамурий биноларни мактаб ихтиёрига бериш, оталик ташкилотларининг ёрдами билан қўшимча синфхоналар қуриш катта роль ўйнайди. Орджоникидзе районидаги 48-саккиз йиллик умумий таълим меҳнат мактабида ҳам шу йўл билан ўқув йили бошида 8 та қўшимча синф хонаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Натижада машғулотларни бир сменада олиб бориш учун тўла шароит яратилди.

Кейинги уч ой ичида «XXI партсъезд» совхози ўз оталигидаги бу мактабга яна иккита эски уйни янгитдан ремонт қилиб бериб, синф хоналарига айлантирди. Уларни керакли асбоб-ускуналар билан жиҳозлашда ҳам оталик хўжалигининг ёрдами катта бўлди.

Шунингдек, мактабда ишлаб турган тўгарак машғулотларининг мазмунли ва қизиқарли ўтишини таъминлаш мақсадида 150 сўмлик кўргазмали қуроллар сотиб олинди. Тикувчилик тўгараги азолари эса яқинда 2 та электр тикув машинасига эга бўлдилар.

Дурадгорлик, токарлик устахоналари ҳам кенгайтирилиб, янги дастгоҳлар билан бойитилди. Мактабга келтирилган дурадгорлик асбоблари ва токарлик станокларидан ўқувчилар меҳнат дарсларида унумли фойдаланмоқдалар.

— Бу йил парник хўжалигимизда мўл ҳосил етиштирилди, — дейди мактаб директори М. Исмоилова. — Шунингдек тажриба участкамиз ҳам 1,5 гектарга кенгайди. Бу майдонга 150 туп, олча ва терак кўчатлари ўтказилди.

И. РУСТАМОВ.

Ҳалқаро аҳвол

ҲИНДИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ VI СЪЕЗДИДА

ДЕҲЛИ, 10 апрель. (ТАСС). Ҳиндистон Коммунистик партиясининг Вижаявада шаҳрида (Андхра Прадеш штати) ўтаётган VI съездида партия программасининг лойиҳаси устида бораётган мунозара тугади. Матбуот хабарларида айтилишича, бу масалани Компартия Миллий кенгашининг шу съездда сайланадиган янги состави муҳокамасига топширишга қарор қилинган.

Съезд делегатлари Ҳиндистон Компартияси Миллий кенгашининг шу йил февраль ойида бўлиб ўтган пленумида қабул қилинган сиёсий резолюцияни муҳокама қилишга киришдилар. Миллий кенгаш тақдим этган сиёсий резолюцияда мамлакатдаги ички вазият ва ҳозирги халқаро аҳвол атрофлича анализ қилинган, шунингдек Компартиянинг яқин келажакдаги вазифалари белгилаб берилган. Резолюцияда коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Москва кенгашининг баёноти жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эга ҳужжат деб маъқулланади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегациясининг бошлиғи КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Сусловнинг табрик нутқини делегатлар ва съездда қатнашаётган меҳмонлар қизғин қарсаклар билан кутиб олдилар. М. А. Суслов Ҳиндистон Компартиясининг ҳамма аъзоларига ва бутун ҳинд ишчилар синфига Совет Иттифоқи Коммунистик партияси номидан қардошлик саломи топширди. КПСС делегацияси бошлиғининг нутқи гулдурос қарсаклар билан неча марталаб бўлиниб турди.

М. А. Суслов КПСС Марказий Комитетининг Ҳиндистон Коммунистик партияси VI съездига юборган табригини ўқиб эшиттирди. Съезд делегатлари КПСС Марказий Комитетининг дўстона мактубини ўринларидан туриб гулдурос қарсаклар билан табриклидилар.

Табрикномада бундай дейилади:

«ҲИНДИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ ОЛТИНЧИ СЪЕЗДИГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Ҳиндистон Коммунистик партияси олтинчи съездининг делегатларига ва улар орқали барча ҳинд коммунистларига ўзининг қизғин қардошлик саломини йўллайди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси бизнинг партияларимиз ўртасида марксизм-ленинизмнинг, пролетар интернационализмининг улуг инсонпарвар идеяларига асосланган бузилмас дўстлик алоқаларини юксак даражада қадрлайди. Бу улуг инсонпарвар идеялар коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг ўтган йил ноябрида бўлиб ўтган Кенгаши ҳужжатларида ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Ҳиндистон Коммунистик партияси мамлакатдаги миллий ватанпарвар кучларнинг мустамлакачилик оғир меросини тугатиш учун иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш учун, ҳинд меҳнаткашларининг демократик ҳуқуқлари ва ҳаётий манфаатлари учун олиб бораётган курашида олдинги сафда бормоқда. У тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун изчил курашмоқда, мустамлака асоратининг ҳамма формаларига кескин равишда қарши чиқмоқда.

Ҳиндистон Коммунистик партияси ўз мамлакатининг иқтисодий ва социал тараққиёти учун, ҳинд меҳнаткашларининг туб манфаатлари учун, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун ҳормай-толмай олиб бораётган кураши билан ҳинд халқининг кўп миллионли оммаси орасида шу оммаининг истакларини ва ёрқин келажакка бўлган умидларини ифодаловчи бўлиб ҳурмат қозонди ва ўзига ишонч орттирди. У Ҳиндистоннинг ўзига хос шароитида бой тажриба тўплади ҳамда халқаро коммунистик ҳаракат назарияси ва практикасининг умумий хазинасига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети қардош Ҳиндистон Коммунистик партиясининг марксизм-ленинизм принциплари асосида ўз сафларини идеологик ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш учун, ишчилар синфи, деҳқонлар ва барча меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатлари учун олиб бораётган курашида янада муваффақиятлар тилайди, империализмга қарши, мустаҳкам тинчлик учун, ўз мамлакатини демократия ва социал тараққиёт йўлида ривожлантириш учун олиб борилаётган курашда халқ оммасини жипслаштиришда янада муваффақиятлар тилайди.

Яшасин шонли Ҳиндистон Коммунистик партияси!

Яшасин Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи халқларининг қардошларча дўстлиги!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ».

КПСС Марказий Комитетининг топшириғига биноан М. А. Суслов Владимир Ильич Ленин портретини съездга делегатларнинг қизғин овацияси остида тухфа қилди.

Индия Пресс Эйженси агентлигининг Вижаявададан берган хабарида айтилишича, съездда Хитой Коммунистик партиясининг табрикномаси ҳам ўқиб эшиттирилди.

Кечаги мажлисда Ҳиндистон Компартиясининг бош секретари Ажой Гҳош сиёсий доклад қилди.

Съезд делегатлари ва меҳмонлари халқаро коммунистик ҳаракатнинг атоқли арбоблари Вильгельм Пик, Гарри Поллит ва Южин Деннис хотирасини ҳурматладилар.

Ҳиндистон Коммунистик партиясининг VI съезди ўз ишини давом эттирмоқда.

СОВЕТ СПОРТЧИЛАРИ ШАРАФИГА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

ҚОҲИРА, 10 апрель. (ТАСС). СССР ва Бирлашган Араб Республикаси терма командалари ўртасида оғир атлетика бўйича ўртоқлик мусобақалари тамом бўлганлиги муносабати билан Бирлашган Араб Республикаси олимпиада комитети совет спортчилари шарафига 9 апрель кечқурун қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Бирлашган Араб Республикаси социал ишлар ва меҳнат министри Ҳусайн Аш-Шафеи, Бирлашган Араб Республикаси олимпиада комитетининг бош секретари Аҳмад Туни, жамоатчилик ва матбуот вакиллари ҳозир бўлдилар.

Министр Шафеи, Бирлашган Араб Республикаси олимпиада комитетининг оғир атлетика секцияси раиси Гаиса ва совет делегациясининг раҳбари В. Г. Максимов нутқ сўзлаб, бу нутқларда СССР билан Бирлашган Араб Республикасининг бир-бирларига спорт делегацияларини юборишлари шу икки мамлакат ўртасида спорт алоқаларини янада ривожлантиришга ва дўстликни мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб таъкидлаб ўтдилар.

Қабул маросими охирида совет делегациясига Бирлашган Араб Республикаси олимпиада комитетининг медаллари топширилди. Совет спортчилари Бирлашган Араб Республикаси олимпиада комитетига эсдалик кубогини совға қилдилар.

«ДАРА» ҒАРК БЎЛДИ

ЛОНДОН, 10 апрель. (ТАСС). Англиянинг «Дара» пассажир кемаси қутқазиш ишлари олиб борилаётган пайтда бугун эрталаб Форс қўлтиғида ғарқ бўлди. Бу кемада 8 апрелда портлаш натижасида катта ёнғин чиққан эди. Бу ҳақда Рейтер агентлиги Англия ҳарбий денгиз флоти вакилининг баёнотига асосланиб, хабар қилди.

Шу агентлик мухбирининг Бахрайндан хабар беришича, кемадаги ёнғин вақтида 165 киши ҳалок бўлди, деб ҳисобламоқдалар.

ОСИЁ ВА АФРИКА ХАЛҚЛАРИНИНГ ЙИҒИНИ

БАНДУНГ, 10 апрель. (ТАСС). Бугун бу ерда Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги кенгашининг 4-сессияси очилди. 15 апрелгача давом этадиган бу сессия ишида 53 мамлакатдан келган вакиллар қатнашмоқда. Сессия қатнашчилари Осиё ва Африка халқларининг мустамлакачиликка, империализмга ва ирқий камситишга қарши кураши билан боғлиқ бўлган бир қанча масалаларни муҳокама қиладилар.

Сессияни очиш вақтида Индонезия Республикасининг президенти Сукарно нутқ сўзлади.

Президент Сукарно ўз нутқининг охирида делегатларни ўз мамлакатлари ҳукуматларидан Осиё ва Африка мамлакатлари иккинчи конференциясининг чақирилишига эришишни талаб қилишга чақирди.

ҚАСАВУБУ ПРЕЗИДЕНТЛИК ВАКОЛАТИДАН МАҲРУМ ЭТИЛДИ

ҚОҲИРА, 10 апрель. (ТАСС). Қоҳирадаги Конго дипломатик миссияси эълон қилган расмий баёнотда айтиладики, Конго ҳукуматининг Антуан Гизенга раислигида 31 мартда ўтказилган мажлисида Касавубуни Конго республикасининг президенти ваколатидан маҳрум қилиш ва бу ваколатни ҳукумат зиммасига юклаш ҳақида қарор қабул қилинди.

Ҳукумат 1960 йил 5 сентябрдан бери ўтган даврда Касавубу томонидан тузилган ҳамма битимларни бекор қилди.

Қарорнинг кириш қисмида Касавубунинг конституцияни бузганликда айбланиши кўрсатилади.

Қарорда айтиладики, парламент томонидан Конго вакили сифатида тайинланган Томас Канза БМТ даги Конго Республикасининг бирдан-бир қонуний вакилидир.

ЖЕНЕВАДАГИ КЕНГАШДА

ЖЕНЕВА, 10 апрель. (ТАСС). Бугун совет вакилининг раислигида ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида уч давлат кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди. Бундан кейинги мажлис эртаги кунга тайинланди.

ҳим тадбирларни амалга ошириш мумкин бўлмай қолаётир. Масалан, янги келтирилган ковшлар ўтга чидамли гишт бўлмаганлиги сабабли ўз вақтида ишга туширилмаган. Дафъатан қараганда, арзимас бўлиб кўринган бу камчиликлар цехда белгиланган ташкилий-техникавий тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш ва шу йўл билан давлат планларини шараф билан бажаришга тўққинлик қилган. Комиссия аъзолари шуни ҳам аниқладики, заводдаги кўпгина цехлар қуюв цехини реконструкциялаш учун зарур бўлган механизмлар ва инструментларни ўз вақтида етказиб бермаётир. Бу ва шунга ўхшаш бошқа камчиликлар цехни оғир аҳволга солиб қўйган.

Партия контроль комиссияси қуюв цехидаги аҳволни текшириш натижаларини ҳамда ўзининг таклиф ва мулоҳазаларини завод партия бюросига тақдим этди. Кўп ўтмай, ана шу масалани махсус муҳокама қилиш мақсадида партия бюросининг навбатдаги мажлиси бўлди. Бу сафарги мажлис одатдаги йиғилишлардан эмас эди. Унга қуюв цехини реконструкция қилиш билан боғлиқ бўлган барча цех ва бўлим раҳбарлари ҳам таклиф этилди. Кун тартибидаги масала шу ерда ҳозир бўлганларнинг актив иштирокида муҳокама этилди. Реконструкцияда иштирок этаётган ҳар бир раҳбар ходим зиммасига конкрет вазифалар юкланди, бу вазифаларни бажариш юзасидан аниқ муддатлар белгиланди. Айрим цех бошлиқларининг, жумладан асбобсозлик цехи бошлиғи ўртоқ Мотолигиннинг бу муҳим объектдаги ишларга юзаки қараётганлиги кўрсатиб ўтилди. Ишни орқага суришда айбдор бўлган бошқа раҳбарлар ҳам қаттиқ танқид қилинди.

Корхона партия бюроси бу билан чекланиб қолмади. Зотан, у ёки бу масала юзасидан қарор қабул қилиш ишнинг бошланишидир, холос. Қуюв цехини реконструкциялашнинг борили ҳақидаги завод партия бюросининг қарорини эндиликда бевосита ишчиларга етказиш, масаланинг моҳиятини уларга тушунтириш зарур эди. Чунки белгиланган режаларнинг, қабул қилинган қарорларнинг тақдири бевосита ишлаб чиқариш участкасида ҳал қилинади. Шу мақсадда қуюв цехи партия ташкилотининг умумий йиғилиши чақирилди. Йиғилишга цехдаги аҳволни текширган партия контроль комиссиясининг аъзолари, шу иш билан бевосита боғлиқ бўлган цех партия ташкилотларининг секретарлари ҳам таклиф этилди. Коммунистлар бу сафар ҳам қўйилган масалани муҳокама этишда ишчанлик ва активлик кўрсатишди. Ҳамма қуйиб-пишиб гапирар эди. Йиғилиш қатнашчилари қуюв цехини реконструкциялаш ва ундаги ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш билан боғлиқ бўлган барча цех ишчиларини бу иш учун зарур бўлган механизм ва асбоб-ускуналари имкони борича тезроқ тайёрлаб беришга чақиридилар.

Завод партия бюроси ҳамда партия контроль комиссияси аъзоларининг ҳамда бу ишга қатнашган коммунистларнинг қилган меҳнати, сарфлаган ғайрати бекорга кетмади. Орадан кўп вақт ўтгани йўқ. Завод партия бюроси ва қуюв цехи партия ташкилотининг қарорларини бажариш учун изчиллик билан курашиш натижасида цехдаги аҳвол батамом ўзгарди. Коммунистларнинг ғайрат ва ташаббуси билан ишлар юришиб кетди.

Янги техниканн ва илғор технологияни жорий этиш натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш кескин суратда кўпайди, меҳнат унумдорлиги ошди, маҳсулот сифати яхшиланиб, унинг таннархи камайди. Электр печлари ишга туширилди. Бу печлар эритиш режимини автомат равишда бошқарадиган махсус установка билан жиҳозланган. Печлари шлак ҳам механизация воситасида чиқариб ташланади. Қолиплаш конвейери реконструкция қилинди, қуйилмаларни махсус ерга етказиб берадиган эпроконвейер ва бошқа техника янгиликлари жорий этилди. Шулар натижасида ишлаб чиқаришдаги брак 30—35 процент камайди. Меҳнат унумдорлиги эса 7 процент ошди.

Цехда ишлаётган ҳар бир ишчи ҳисобига тайёрланаётган маҳсулот кўпайди, шунга биноан қуювчилар олаётган иш ҳақи ўрта ҳисобда уч процент ошди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 30 процент кўпайди. Агар илгари цех маҳсулоти асосан шу завод эҳтиёжлари учун кетаётган бўлса, янги электр эритиш печлари ўрнатилиши билан Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашига қарашли кўпгина корхоналарга ҳам қуйилмалар етказиб берилмоқда. Аввалларида цехнинг эритиш бўлими бир сменада кўпи билан 8 марта эритма берган бўлса, эндиликда 10-11 тага етказиб эритма бераётир.

Шундай қилиб, илгари қолоқ цехлардан бири ҳисобланган қуюв цехи завод партия ташкилотининг ва унинг контроль комиссияси ҳамда коммунистларнинг куч-ғайрати туфайли корхонанинг илғор цехларидан бирига айланди.

КПСС Марказий Комитетининг партия ташкилотларининг маъмурият фаолиятини контроль қилиш ҳуқуқини амалга оширишлари юзасидан ишлаб чиқариш ва савдо корхоналарининг бошланғич партия ташкилотларида комиссиялар ташкил қилиш тўғрисидаги қарори эълон қилинганига ҳали унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Чирчиқ шаҳридаги қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи партия ташкилоти (секретари ўртоқ И. Мусин) КПСС Марказий Комитети қарорига қатъий амал қилиб, партиянинг ишнинг ана шу янги соҳасини йўлга қўйиш ва уни яхшилашда катта тажриба тўпладди. Корхона партия бюроси ташкил этилган комиссиялар составига кўпроқ тайёргарликка эга бўлган, принципиал ва актив коммунистлар, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, рационализатор ҳамда ихтирочилар, мастерлар ва цех бошлиқлари, инженер-техник ходимларни киритишга алоҳида эътибор берди. Завод партия ташкилотида 6 комиссия ташкил этилган бўлиб, унинг составида 45 киши ишламоқда. Улар ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари бўйича ишнинг боришини назорат қилибгина қолмай, балки унга актив аралашган ҳолда цех ва участкаларнинг техника-иқтисодий кўрсаткичлари тинмай яхшилана боришига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Завод партия бюроси комиссиялар фаолиятини кун сайин кучайтиришга эришмоқда, уларнинг эътиборини асосий ишлаб чиқариш тадбирларини амалга оширишга жалб этаётир, комиссиялар кўрсатган ташаббусни ўз вақтида қўллаб-қувватламоқда. Корхона партия ташкилоти доимо ўз комиссияларига таянган ҳолда ишламоқда ва ишлаб чиқаришдаги муҳим ва принципиал масалаларни оператив равишда ҳал қилишга эришмоқда.

Партия контроль комиссиялари янги техника ва илғор технологияни жорий қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаб, унинг таннархини камайтириш, ҳомашё ва материалларни кўплаб иқтисод қилиш соҳасида маъмуриятга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Корхона ишлаб чиқаришини ўстириш ва етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун курашга катта ҳисса қўшиб коммунистлар ўртасида, партия ташкилоти ва маъмурият олдида, қолаверса бутун завод коллективи олдида катта обрў ва эътибор қозонмоқдалар. Машинасозлар комиссиялар фаолиятидан жуда хурсанд, чунки шу комиссиялар ташаббуси билан ишга ҳалақит бераётган кўпгина камчиликлар тугатилянти. Шу сабабли бутун корхона коллективи контроль комиссияларини фахр билан, партиямизнинг ишлаб чиқаришдаги ўткир кўзи, демоқда.

Ҳа, бу жуда ҳаққоний ва тўғри баҳо!

И. СУЛАЙМОНОВ.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

Газдан эҳтиёт бўлиб фойдаланинг!

Республикамиз пойтахти ва областдаги айрим шаҳарларга Бухоро гази етиб келди. Бу арзон ёқилғидан саноатда ва маиший эҳтиёжларда фойдаланишга киришилмоқда. Газ катта қулайликлар туғдиради.

Аввало газдан фойдаланиш қоидаларига қатъий амал қилиш зарур. Табиий газ ҳавога қараганда анча енгил. Шунинг учун ҳам у хонанинг юқори қисмига тўпланади. Тошкентда сўнгги вақтларгача суюлтирилган газдан фойдаланиб келинарди. 1961 йилгача 26947 квартира газлаштирилди. Суюлтирилган газ ҳавога нисбатан оғирроқ. Ташқарига чиққан бу газ нормал атмосфера босими бўлган тақдирда буғланади. Шунда у табиий газ каби ҳаводан енгил бўлади. Газдан фойдаланганда табиий ва суюлтирилган газларнинг ана шу хусусиятларига алоҳида эътибор бериш керак.

Тошкентда айрим оилаларнинг газдан фойдаланишда белгиланган қоидаларга амал қилмаслиги оқибатида бир қанча кўнгилсиз воқеа содир бўлди.

Тўғри, бундай воқеалар камдан-кам содир бўлаётир. Лекин шунга қарамай, ҳар қандай кўнгилсиз воқеанинг олдини олиш учун суюлтирилган ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини пухта ўрганиб олиш ва унга қатъий амал қилиш лозим.

Кундуз кунлари ва айниқса тунда горелкаси ёниб турган газ асбобларини қаровсиз қолдириш жуда ҳам хавфлидир. Турли сабаблар билан газнинг оқими тўхтаб қолиши ва горелка ўчиши мумкин. Сўнгра газ яна келабошлагач, ёнмаслан хона ичида тарқалабошлаши у ерда яшовчиларнинг заҳарланиши хавфини туғдиради. Тунда албатта горелка ва асбоблар кранларининг берклигини текшириб кўриш лозим. Ошхонадан коридор ва бошқа хоналарга очиладиган эшикларни қаттиқ ёпиб қўйиш керак. Ўйдан бир ҳафта ва ундан кўпроқ кунга бошқа ёққа кетиладиган бўлса, албатта «Горгаз»га бу ҳақда хабар бериш ва газ тармоғидан квартирага келадиган газни тўхтатиб қўйиш лозим. Чунки истиқомат қилувчилар йўқ бўлган вақтда уйда турли сабаблар билан газнинг оқиб чиқиши ва ҳатто ёнғин пайдо бўлиши ҳеч гап эмас.

Болалар, газ аппаратларн ишини билмайдиган, маст ҳолдаги кишиларнинг газдан фойдаланиши, газ асбоблари ўрнатилган ошхона ва хоналарда ухлаш, газ плиталари устига турли хил нарсаларни қўйиш, кийим-кечакни газ асбоблари устида қуритиш, приборларни ўзбошимчалик билан ремонт қилиш қатъиян маъ этилади. Агар хонада газ ҳиди сезилса ёки газнинг оқиб чиқаётганлиги аниқланса, бу ҳақда тезлик билан «Горгаз»нинг авария хизматига мурожаат қилиш керак.

Авария бригадаси келгунига қадар газ асбобларидан фойдаланишни тўхтатиб туриш, гугурт ёндирмаслик, чекмаслик, электр асбобларини ишлатмаслик, барча газ кранларини беркитиб, хонанинг ойна ва эшикларини очиб шамоллатиш зарур. Шуни унутмаслик керакки, газ асбоблари дан фойдаланиш бўйича белгиланган қоидаларни билиш ва бунга амал қилиш ҳар қандай кўнгилсиз воқеанинг бўлишини бартараф этади.

Саноат корхоналарида газ асосида ишлайдиган агрегатларни бошқариш, газдан фойдаланишда техника хавфсизлигини таъминлаш бўйича инструкциялар бор. Ҳар бир корхонадаги газ хўжалигини бошқарувчи ишчиларнинг бутун диққат эътиборлари ана шу инструкцияларнинг камкўстсиз бажарилишига қаратилиши лозим.

Корхона ва уйларда газдан эҳтиёткорлик билан фойдаланинг!

А. МОЛОТ,
Ўзбекистон газ техникаси инспекциясининг бош инженери.



Шу кунларда пойтахтимизни ободонлаштириш ойлиги муваффақиятли ўтмоқда. Суратда: Гулчилар театр майдонида капалак гуллар экишмоқда.
А. Абалян фотоси.

КОМСОМОЛ МАГАЗИНИ

Комсомол магазини — ана шундай ном билан аталадиган магазинлар дастлаб Москвада ташкил этилганди. Эндиликда бундай магазинлар фақат пойтахтнинг ўзидагина мавжуд эмас. Ёш савдо ходимлари—комсомолларнинг бу ташаббуси мамлакатимизда кенг қулоч ёйди.

«Савдо маданиятини ошириш ҳам, харидорлар талабини мумкин қадар тўла қондириш ҳам, қолаверса савдо ходими деган номга доғ туширишга қарши шафқатсиз кураш олиб бориш ҳам бизнинг жонажон ишимиздир». Бу — комсомол магазини савдо ходимларининг қатъий шиори.

Москвалик ёш савдо ходимларининг бу ажойиб ҳаракатига «Таштекстильшвейобутворг»га қарашли магазин ходимлари ҳам яқдиллик билан қўшилмоқдалар. Ҳозир шаҳардаги учта магазин ана шу ном эгаси. Шу жумладан, кеча 66-оёқ-кийимлар магазини янги ташаббус асосида савдо-сотиқ қилишга киришди.

— Биринчи куниёқ бу ҳаракатнинг дастлабки ижобий самараси яққол сезилди, — дейди магазин директорининг ўринбосари ўрток Ҳ. Абдуллаева.—Кеча кутилганидан бирмунча кўп сўмлик мол сотилди. Эндиликда бу ерга келаётган харидорларнинг кети узилмаяпти. Шунга қараб иш ҳам жуда жонланиб кетди. Сотувчилардан бири харидорларга молларни танлашга ёрдамлашса, иккинчиси улар ёқтирган оёқ-кийимларни эгаларига топширади. Хуллас, уларнинг қўли-қўлига тегмайди.

Шунингдек, Навоий кўчасидаги 43, Новомосковск кўчасидаги 47-магазин ёшлари ҳам комсомол магазини номини олиш учун кураш бошладилар.

Ж. ҚОРАБОЕВ.

КИНЕМАТОГРАФЛАР СТУДЕНТЛАР ҲУЗУРИДА

«Ўзбекфильм» киностудиясининг маҳсули—«Ҳамза» фильмини яратишда қатнашган бир группа ижодий ходимлар В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети журналистика бўлимининг студентлари билан учрашдилар.

Фильм редактори А. Мадродский, рассом Е. Пушчин, Ўзбекистон ССР халқ артисти Р. Нирмуҳамедов, артистка Ш. Шокирова ва режиссёр Ф. Абусаидов ўртоқлар студентларга ўзларининг фильм устида олиб борган ижодий ишлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Бўлажак журналистлар «Ҳамза» бадиий фильми ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини айтдилар.

И. СИДДИҚОВ.

БИЛАСИЗМИ?

★ *Бир минут. Дафъатан қараганда бу жуда ҳам оз вақт. Лекин бутун мамлакатимиз миқёсида олганда, у оз вақт эмас. Етти йилликнинг охирига бориб бир минутнинг қиммати янада ошади.*

1965 йилда мамлакатимизда бир минут ичида: 457 тонна нефть чиқарилади, 133 тонна чўян қуйилади, 133 тонна прокат тайёрланади, 173 тонна пўлат эритилади, 465 тонна темир рудаси қазиб чиқарилади, 286 минг кубометр газ, 1160 тонна кўмир чиқарилади. 40 секундда бир автомобиль ишлаб чиқарилади.

★ *10 литр сувни қайнатиш учун 10-11 тийинлик ўтин-кўмир, 5-6 тийинлик керосин ёки бир тийинлик газ сарфланади. Ўтин, кўмир, керосин ўрнига газдан фойдаланилганда ёқилғига қилинадиган харажат 5-10 баравар камаяди.*

ЕТТИ ЙИЛЛИК ЯНГИЛИКЛАРИ

КИЧИК ГАБАРИТЛИ ГУСЕНИЦАЛИ ТРАКТОР

Харьков трактор заводининг конструкторлари «ДТ-20» маркали тор габаритли гусеницали трактор яратдилар. Янги трактор узумзорларда культивация ва қатор ораларини юмшатиш, тупроққа гўнг солиш, чанглаш, пуркаш, узум ва бошқа мева ҳосилларини ташиш каби ишларни бажаради. Бу машинадан цитрус плантацияларида фойдаланса ҳам бўлади. Гусеницали трактор осма, ярим осма ва тиркаладиган қишлоқ хўжалик усқуналари билан юқорида саналган ишларни бажараверади. Бу машинанинг кичик габаритли бўлиши ундан чорвачилик фермаларида ҳам фойдаланиш имконини беради.

«КУП-2»

Торф саноати Бутуниттифоқ илмий-текшириш институти томонидан «КУП-2» маркали ўзюрар машиналарнинг тажриба нусхаси тайёрланди. Махсус қозиқлари бўлган ротор ёрдами билан машина тўнгакларни суғуради, уларни тупроқдан тозалайди ва транспортга юклайди.

ЯНГИ ПРОКАТ СТАНИ

Украина ССР «Госстройи»нинг конструкторлик бюросида темир-бетон конструкциялари тайёрлайдиган прокат стани яратилди. Бу стан панель ва бошқа материаллардан йилига 200 минг квадрат метр ишлаб чиқаради. Одатдаги ишлаб чиқариш усулига қараганда янги стан бундай материалларни тўрт-беш марта тезроқ тайёрлайди.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

ЎНИНЧИ ПАРТИЯ КЕЧИКТИРИЛДИ

МОСКВА, 10 апрель. (ТАСС). **Шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун реванш матчининг 10-партияси Ботвиннкнинг ортиқча пиёдаси бўлган ҳолда 42-юришда кечиктирилди. Ботвинник 42-юришни ёзиб қўйди. Эртага бу партия марказий шахмат клубида давом эттирилади.**

«СТАРТ» ЮТДИ

Футбол бўйича «Б» класс командалари ўртасида мамлакат биринчилиги мусобақалари бошланди. Иттифоқчи республикалар иккинчи зонасида кирган Тошкентнинг «Старт» спорт клуби футболчилари биринчи учрашувни 9 апрелда Самарқандда маҳаллий «Динамо» командаси билан ўтказдилар. Ўйин 2:1 ҳисоби билан «Старт» фойдасига ҳал бўлди. Бу билан тошкентликлар дастлабки икки очкони қўлга киритдилар.

ТОШКЕНТЛИК ШАШКАЧИ ФИНАЛДА ЎЙНАЙДИ

Тошкентлик спорт мастери, республика чемпиони С. Гуляев юз катакли шашка бўйича Кировоградда ўтказилган СССР биринчилиги ярим финал мусобақасида катта муваффақиятга эришди. У 16 имкониятдан 11 очко тўплаб, финалда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Гуляев 6 партияни, шу жумладан спорт мастерлари Веретё (Москва), Звирбулис (Рига)ни ютди, 10 ўйинни дуранг қилди ва битта ҳам мағлубиятга учрамади.

И. БИРБРАГЕР.

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг спорт залида Самарқанд область терма баскетбол командаси билан институт баскетболчилари ўртасида ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Учрашув қизғин спорт кураши билан ўтди. Институт баскетболчилари 64:54 ҳисоби билан ғалабага эришдилар.

ҲОДИСА

ШЛАГБАУМ ҲАРАКАТДА

Тун қаърини ёриб келаётган автомашина Сирдарё районидаги марказига ўрнатилган тунги шлагбаум олдида таққа тўхтади. Машина устидаги бир номаълум шахс текширишдан ўзини четда қолдириш мақсадида секин-аста пастга туша бошлади. Шу пайт милиция ходимининг:

— Гражданин, ҳужжатларингиз? — деган овози эшитилди.

Саросимада қолган номаълум шахс қўлидаги чемоданчани яшириша уриниб кўрди-ю, лекин уддасидан чиқолмади. Шундан сўнг милиция ходими чемоданни ҳам текширишга мажбур бўлди. Чемодондан 70 га яқин ҳар хил маркадаги соатлар, қимматли буюмлар ва Чиноз районига қарашли бир магазиннинг штамп-печати чиқди.

Текширишда аниқланишича, номаълум шахс Илья Клименко бўлиб, Чиноз райпосига қарашли 1-магазин молларини ўғирлаб қайтаётган экан. Тергов вақтида жиноятчининг Сирдарё ва Жанубий Қозоғистон областининг Пахтаорол районларидаги магазинларни ҳам ўмарганн маълум бўлди.

Тунги шлагбаум ўғирликка одатланган бу безорини қўлга туширдн, ундаги моллар магазинга қайтарилди. Ўғри жиноий жавобгарликка тортилди.

Ҳозир тунги шлагбаумлар Тошкентдан Янгиерга бориладиган йўлнинг бир неча жойида ишламоқда.

А. МИРПЎЛАТОВ.

Ирина Филипповна Зуева Қибрай касалхонасининг лабораториясида хизмат қилади. Бу тажрибали лаборантка беморни даволаш билан боғлиқ бўлган медицина анализларини доим диққат билан яхши бажаради. Шу сабабли ҳам касалхона хизматчилари уни ҳурмат қилишади. Суратда: Ирина Зуева лабораторияда бемор қонини текшираётир.

А. Абалян фотоси.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

Сиз суратда кўриб турган Асом Исломов ипакчилик илмий-текшириш институтида младший илмий ходим вазифасида ишлайди. Шу билан бирга у институт аспирантурасининг сиртқи бўлимида ўқийди. Ҳозир Исломов Мирзачўл зонасидаги районларга мўлжалланган юқори ҳосилли пилла навларини яратиш устида илмий тадқиқот ишлари олиб бораётир.

А. Абалян фотоси.

Металл-лом тўпламоқдалар

Чиноз районидаги «1 Май» номли 8-йиллик политехника мактаби ўқувчилари бу йил давлатга 10 тонна металл парчалари йиғиб беришга аҳд қилдилар. Ш. Муҳаммадшин, Қ. Худойберганов, Ф. Юнусов каби ўқувчилар мавсумда 300 килограммдан металл парчалари йиғиб бериш мажбуриятини олдилар. Шунингдек, 19-мактаб ўқувчилари ҳам 20 тонна металл-лом тўплашга сўз беришган. Ўқувчилардан Й. Эргашев, Т. Нортоев, Б. Мелиқулов кабилар ҳозиргача 280 килограммдан темир-терсак йиғиб топширдилар.

Т. Имомов.

Ҳозиргача 14 тонна темир-терсак тўплаган Гулистон районидаги 13-ўрта мактаб ўқувчиларининг ишлари ҳам мақтовга сазовордир. Мактаб пионер вожатийси Э. Яхшибоев темир-терсак тўплашни яхши ташкил этаётир.

Ш. Ортиқов.

БУНИ БИЛИБ ҚЎЙИШ ФОЙДАЛИ

УЙҚУ

Партия ва ҳукуматимиз мамлакатимиз меҳнаткашларининг соғлиғи, ишдан кейин яхши дам олиши, меҳнат жараёнида қаттиқ чарчамаслиги учун катта шароитлар яратиб берганлар. Бизда иш хусусиятларига асосланган иш соатлари, отпускалар мавжуд. Совет халқининг эркин меҳнат ва дам олиш ҳуқуқи Конституциямизда белгилаб берилган. Беҳисоб дам олиш уйлари, санаторий, курортлар, шифобахш муассасалар ва истироҳат жойлари совет кишилари хизматида.

Яхши дам олиш билангина киши соғлом бўлиши, узоқ йиллар яшаши ва унумли меҳнат қилиши мумкин. Чарчашлик, дам олмаслик кишини турли касалликларга олиб келади. организмнинг зararли микробларга қарши кураш қобилиятини сусайтиради. Меҳнат қилиб чарчаган одам давлатимиз яратиб берган дам олиш шароитларидан баҳраманд бўлиш билан бирга, ўз қўлидаги имкониятлардан ҳам фойдаланишга иятилиш керак. Бундай имкониятларга киши вақтининг режали сарф бўлиши ва уйқу киради. Айниқса уйқунинг саломатлик учун аҳамияти катта.

Уйқу энг яхши, мириқиб дам олиш чораларидан бири бўлиб, ухлаш натижасида организмнинг ақлий ва жисмоний иш даврида сарф қилган энергия ва кучи тикланади. Маълумки, киши организмининг бутун фаолияти, ҳужайраларнинг иши, нерв системаси — бош мия томонидан бошқариб турилади. Кишининг меҳнат қобилияти унинг нерв системасига боғлиқ. Организмнинг чарчаши ҳам нерв системасининг чарчашидан келиб чиқади. Нерв системасининг чарчаши уйқуни талаб қилади ва уни юзага келтиради. Шунинг учун ҳам атоқли физиолог И. П. Павлов уйқуни бош мия ҳужайраларининг тормозланиши, яъни вақтинча ишдан тўхташи деб тушунтиради. Бошқача қилиб айтганда. организмнинг бутун вазифаларини ижро этиб турувчи нерв системасида асосан икки процесс бор. Бу процесслардан бири қўзғолиш процесси, яъни ташқи муҳитдан келувчи таъсирлар (ёруғлик, товуш, ҳид, маза, иссиқ-совуқ)ни қабул қилиб олиш ва ундан таъсирланиш бўлса, иккинчиси, унинг аксини кўрсатувчи тормозланишдир. Нерв ҳужайралари қўзғолиш процессида ишлаб тормозланиш процессида эса дам олади ва ишлаган давридаги сарф қилган энергиясини қайтадан тиклайди. Қўзғолиш ўз-ўзидан тормозланишни келтириб чиқаради. Бу — нерв системасининг ишидаги асосий қонун. Қоронғулик тушиши билан ташқи меҳнат таъсири камайиб боради, айни чоқда бош миядаги қўзғолиш ўчоқлари ҳам камаяди. Бош миянн тормозланиш қоплаши билан киши уйқуга кетади. Бу даврда куни билан сарф қилинган куч яна қайтиб келади.

Уйқунинг ҳаёт учун аҳамиятини шундан ҳам билиш мумкинки, киши очликкка 30 кунгача чидай олса ҳам, уйқусизликка 10 кун ҳам чидай олмай ҳалок бўлади.

Киши умрининг учдан бир қисми уйқу билан ўтади. Табиий уйқунинг, яъни кундузги меҳнатдан кейин қоронғу тушиши билан ухлашнинг аҳамияти жуда катта. Тунги табиий уйқу, биринчидан, кундуз кунги таассуротларнинг қўзғолишидан кейин ҳосил бўлган тормозланишдан келиб чиққан бўлса, иккинчидан, қоронғу тушиши билан миянга келиб тушадиган таассуротларнинг сони камайиб, навбатдаги тормозланишга қулай шароит яратилади.

Меҳнат қобилияти ёшидаги кишиларнинг кундалик уйқуси 8 соатдан кам бўлмаслиги керак. Кишининг етарли дам олмаслиги унинг эртасига қаришига олиб келади. Уйқу эса тез қаришдан сақлаб, киши умрини узайтиради. Шундай экан деб ҳадеб ухлайберишнинг ҳам ярамайди. Чарчамай туриб, меёридан ортиқ ухлашлик натижасида нерв ҳужайраларидаги давомли тормозланиш режаси бузилади. Меҳнат қобилияти ва дам олиш, уйқу режими бир-бирига мутаносиб бўлиши керак. Шундагина нерв системаси нормал ишлайди.

Медицинада турли касалликларни даволашда уйқудан кенг фойдаланадилар. Айниқса қон босими ошган кишиларга уйқунинг фойдаси катта.

Ўз вақтида етарли ухламаслик натижасида уйқу бузилади. Бу кўп касалликларни келтириб чиқариши мумкин. Баъзи бир хил сабабларга кўра, табиий уйқунинг режаси бузилганда врачларга мурожаат қилиб, тегишли дори-дармонлар қабул қилиш лозим.

Ҳар бир киши ўз ихтиёридаги энг яхши дам олиш усули—уйқудан тўла фойдаланиши керак. Бу — соғлиқ, узоқ умр ва самарали меҳнат гаровидир.

А. МУҲАРРАМОВА,
медицина фанлари кандидати.

Телевизор экранида

12 АПРЕЛДА

19.00 «Пионерия» — киножурнал.
19.10. Ўқувчилар учун концерт.
19.45. Сўнгги ахборот.
20.05. «Сохта пайғамбарлар» — ҳужжатли фильм.
20.25. Саноат ходимлари учун ўзбек тилида «Дўстлар мусобақаси» деган эшиттириш.
20.40. Ўзбек операларидан ария ва дуэтлар.
21.10. «Бўлмаган нарсадан бир талай ғавғо» — фильм-спектакль.

13 АПРЕЛДА

19.00. Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театридан «Имон» спектакли олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида сўнгги ахборот.
22.00. Сатира ва юмор (рус тилида).

ТОШКЕНТНИНГ тамоша заллари да

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА— 12/IV да **Оққуш кўли**, 13/IV да **Демон**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/IV да **Олма гуллаганда**, 13/IV да **Имон**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/IV да **Паранжи сирлари**, 13/IVда **Фарғона ҳикояси**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Арслонлар** аттракциони. Арслонларни ўргатувчи — **Владимир Борисов** ва янги программада цирк тамошалари. Тамоша кеч соат 7 яримда бошланади.

КИНО

Езги отпуска вақти—«ВАТАН», «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Водим кишилари — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН» (кеч соат 6 гача).

Жервеза — «ИСКРА» «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Давра — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Қизил довул — «СПУТНИК» (эрталаб соат 10, кундуз 12,2 ва 4 да).

Тўғондаги ҳодиса — «ЎЗБЕКИСТОН» (кеч соат 6 дан).

ТОШКЕНТ КРОВАТЬ ЗАВОДИГА нормалаш ва иш ҳақи инженери, конструктор, инженер-технолог

керак

Мурожаат учун адрес: Зарбдор кўчаси, 12-уй. Телефон — 43-671.

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ

КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНИГА

РАСТЕРЯЕВ кўчаси

НОМЛИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМ ЧИҚАРАДИ

Глеб Успенский асари бўйича **М. Нароков** комедияси.

Сценарий автори ва постановкачи — **В. Рижков.**

Оператор — **М. Волинец.**

РОЛЛАРДА:

А. Незнамов, С. Каюков, С. Фадеева, Н. Рижов, В. Пашенная, Е. Турчанинова, О. Хорькова, Е. Хромова, А. Дегтярь, Б. Телегин, Н. Обухова, А. Сашин-Никольский, Т. Ванюков, С. Чернишов, А. Грузинский, П. Старковский, С. Конов, А. Титов, Н. Цветкова, А. Пронин, В. Орлова, В. Сверчков, В. Игаров, А. Смирнов, В. Темкина, Е. Рубцова, Д. Павлов, М. Садовский, В. Головин, В. Котельниковлар қатнашади.

Фильмни Марказий телевидение студияси ишлаган.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

14, 15, 16 апрелда

ХОРАЗМ АШУЛА, МУЗИКА ВА РАҚС

КЕЧАЛАРИ

Ўзбекистон ССР халқ артисти **Комилжон Отаниёзов**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Коммуна Исмоилова**, Жаҳон ёшлар фестивали лауреатлари **Клара Жалилова, Тамара Юнусова, Отажон Ражабов**, солистлардан **Раҳима Ҳакимова, Азиза Тўлаганова, Ибодулла Абдуллаевлар** қатнашади.

Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Бешёғоч кўча, Қарши проезд, 53-уйда турувчи **Дилором Аброровна Нуриддинованинг** Магазин мавзу кўча, 90-уйда турувчи Нурмат Нуриддиновдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, Қизилтут кўча, 12-уйда турувчи **Муҳаммад Ҳабибовнинг** Ўш шаҳар, Қўрғонтепа кўча, 36-уйда турувчи Раъно Ҳабибова (Қурбонова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

2-силикат-керамика заводи коллективи завод директори ўртоқ Б. Ш. Шариповга онаси **ОЙИМБИБИ ШАРИПОВАНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“

4-БЕТ 12 АПРЕЛЬ, 1961 ЙИЛ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 136, Совет қурилиши бўлими — 136, Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими —29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Секретариат 34808, 115 Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Хатлар бўлими — 34048, 156. Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 01549. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. В. 1573.